O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 8-iyul, 2009-yil • №29 (632) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

ТУБАНЛИК

Бу даҳшатли воқеа ҳар қандай кишини оғир ўйга солади. Наҳотки, ўз қилмишини хаспўшлаш учун инсон шу қадар ёвузлик қилишгача борса? Бундай оғир жиноятга қўл урганлар ҳар қандай тубанликдан қайтмайдиган виждонсиз, иймони куйган кимсалардир.



⇨ 4-бет

ХИВА — ЮРТИМИЗ ГАВҲАРИ

Бир сўз билан айтганда, бугунги Хива ҳам ижтимоий, ҳам маданий-маърифий соҳаларда янада чирой очиб бормоқда. Унинг сайқал топаётган асрий обидалари, маданий ёдгорликлари жаҳонни такрор ва такрор лол қолдираётир.



⇨ 6-бет

СОҒИНЧ

Онам тинмай сўрайдилар. Мен уларга термилганча ўтираман. Дастурхондан у-бу нарса егандай бўламан. Кичкинагина жуссалари, хиёл кенгроқ кўйлаклари, устиларидаги камзуллари ва камзул ёқасига наъматақдан мунчоқ қилиб тақиб олганлари онамни янада хокисор қилиб кўрсатади.



⇨ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- **2 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Наманган вилоятида бўлди.**

- 3 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Испания Қироллиги ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Митель Анхель Моратиносни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Испания муносабатларига доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

- **Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги элчихонасида Президент Ислом Каримовнинг туркман ва инглиз тилларида нашр этилган "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

- Тошкентда 1-2 июль кунлари "Сайловлар ва замонавий парламентаризмнинг ривожланиш масалалари: Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси ва Ф.Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси (Германия) билан ҳамкорликда ташкил қилинган мазкур конференцияда Марказий Осиё давлатлари, Бельгия, Германия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, АҚШ, Украина, Франция, Япония давлатларининг экспертлари ва мутахассислари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва бир қатор халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

ОЛТИН ЁЗ



ТОҒ БАҒРИДАГИ ОРОМГОҲ

болажонларнинг севимли масканига айланган

Тошкентдан 80 километр узоқликда жойлашган Чимён тоғларининг энг баланд чўққиси денгиз сатҳидан қарийб 3300 метр юқорида жойлашган. Биз борган болалар оромгоҳи эса денгиз сатҳидан тахминан 1000 метр баландликда жойлашган экан.

Чимён тоғ ён бағирларининг салқин ҳароратидан этингиз бироз жунжикса-да, вужудингиз мусаффо ҳаводан тўйиб баҳра олаётганини ҳис этасиз. Бизни ҳадеганда оромгоҳ дарвозасидан ичкарига киритишмагани ҳам малол келмай, рухсат этилгунча кутавердик. Мен болаларимни аябми ёки ортиқча хавотирданми ҳар тугул бундай даргоҳларга дам олгани юбормаганман. Бу ердаги болаларнинг отаоналари фарзандларини табиат қучоғига юбориб, адашмаган кўринади.

Пойтахтимиздаги "Алгоритм" очиқ акционерлик жамиятига қарашли болалар спорт-соғломлаштириш оромгоҳи билан танишганимиздан сўнг тўғриси, хавотирларим тарқалди. 14 гектар майдонни эгаллаган бу дам олиш ҳудуди жуда шинам, файзли жой экан. Болалар дам оладиган замонавий кўринишдаги бинолар атрофи тяньшян ели, сосна, каштан, арча, бодом, ўрик, ёнғоқ дарахтлари билан ўралган. Оромгоҳ спортга ихтисослаштирилгани боис футбол, волейбол майдонлари алоҳида эътибор билан қурилган."Бу ерга келганимизга икки кун бўлган бўлса ҳам, биз етти тилда саломлашишни ўргандик," — дея ғурурланишди бир гуруҳ болакайлар. "Биз эса ҳар куни радиоузелдан гапираяпмиз. Журналист касбининг сир-асрорларини ўрганаяпмиз.

(Давоми 2-бетда)

МУНОСАБАТ

АДАБИЁТ – КЎНГИЛ ФАНИ

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати

Маънавий ҳаётимизда диққатга молик воқеа юз бердики, бу ҳақда тўлқинланмай ёзишнинг иложи йўқ.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Президент Ислом Каримовнинг миллий адабиётимизни ривожлантириш бўйича адабий жамоатчилик, ижодкорлар олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида кенг қамровли фикр-мулоҳазалари билан таништирилди. Бу кенг қамровли мулоҳазалар адабиётимиз, маънавий соҳадаги катта вазифалар матбуотда эълон қилинди. Шуни таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг адабиётимизга эътибор бериш ҳақидаги ушбу теран фикр-мулоҳазалари маънавиятимиз тўғрисидаги катта ғамхўрликнинг ёрқин намунаси, келажак фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қиладиган, нафақат адиблар, балки жами зиёлиларимиз ҳамиша амал қилиши зарур бўлган муҳим ҳужжат десак хато бўлмас. Уни қайта-қайта ўқимоқ, мазмунини чақмоқ, дилга жойламоқ керак.

Даставвал фикр-мулоҳазаларнинг ниҳоятда самимий, куюнчаклик туйғуси билан йўғрилганини айтиб ўтиш керак. Шу сабабдан улар кўнгилнинг туб-тубига етиб боради, кишини ўйлашга, мушоҳада қилишга ундайди. Мен Президентимиз фикрларини ўз халқи, унинг маънавияти ривожи учун куйиб-ёнган фидойи инсоннинг биз адибларга ҳаётбахш даъватлари деган бўлардим. Унда адабиётимизнинг хоҳ кекса, хоҳ ёш вакили бўлсин, барчаси учун зарур ва фойдали бўлган йўриқлар, вазифалар мужассам.

Президентимиз зиёлиларнинг илғор қисми бўлган бадиий адабиёт вакилларига халқимиз қалбини, унинг олий мақсадларини яқиндан биладиган инсонлар сифатида қарайди, уларнинг жамиятдаги ўрни ва таъсири беқиёсдир, дея юксак баҳо беради.

(Давоми 2-бетда)

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

ҚИЛМИШ

СЎНГГИ ПУШАЙМОНДАН НАФ ЙЎҚ

Эндигина ўттиз тўрт баҳорни қаршилаган Рустам Рабиев йигитликнинг айни гуллаган чоғида суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди. Ўйламай қўйилган биргина қадам туфайли оиласи, дўст-у биродарлари, қолаверса, жамият олдида ўз номига тавқи лаънат орттирди. Тўғри, у суд залида ўзига қўйилаётган айб, жиноятчиларга қўшилиб, қилган ишлари учун пушаймон бўлди. Бироқ энди у кунларни ортга қайтариб бўлмас, бинобарин бу аччиқ қисматни унинг ўзи танлаганди.

Рустам Рабиевнинг жиноят оламига кириб келишига у яшаган оила муҳити ҳам сабабчи десак, тўғрироқ бўлар. Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам Денов туманида унинг амакиси А.Рабиев ҳамда поччаси П.Рабиевлар (Рустам поччаси П.Рабиев хонадонида рўйхатда турган) томонидан тузилган «Ҳизбут-таҳрир» оқимига қарашли гуруҳ ташкил этилган дастлабки кунларданоқ унинг ташкилотчилари ва ҳомийлари Рустамга ўхшаган ҳаётий тажрибаси кам, ақидапарастликка мойил ёшларни ўз атрофларига бирлаштириш ҳаракатида бўлганлар. Табиийки, ана шу оқим таъсирига тушган Рустам ҳам амакиси ва гуруҳ даъватчиларининг фатволари остида биринчилардан бўлиб ташкилот аъзосига айланди. У дастлаб амакиси ва поччаси раҳнамолигида «Ҳизбут-таҳрир» оқими ғояларидан бир йил давомида сабоқ олди, 2001 йилнинг ёзида эса А.Рабиев уни А.Локаев билан (айни пайтда қидирувда) таништиргач, сабоқ олиш ишлари анча кенгроқ доирада тус олади. Кейинроқ судда Р.Рабиевнинг ўзи эътироф этишича, А.Локаев олиб борган машғулотларда «Ҳизбут-таҳрир» оқимининг асосий вазифалари ҳақида чуқурроқ билим берилган.

Бу каби машғулотлар Панжи Рабиевнинг уйида мунтазам ўтказиб турилган шаърий халқа йиғинларида ҳам давом этган. Ушбу "таълимотлар" натижаси ўлароқ, 2001 йилнинг ёзидан бошлаб Рустам Рабиев ҳам гуруҳ аъзолари билан бирга Денов деҳқон бозорида доимий равишда диний-экстремистик ғояларни тарғиб қилувчи варақаларни яширинча тарқата бошлайди. Ўша варақаларда эса очиқдан-очиқ фуқароларни амалдаги конституцион тузумга қарши чиқишга, ҳизбутчиларни қўллаб-қувватлашга даъват этилган эди.

3 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

Қуролсизланиш йўлидаги муҳим қадам



Куни кеча Москвада Россия президенти Дмитрий Медведев ва АҚШ президенти Барак Обама ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Оқ уй раҳбарининг бу ташриф ишчи ташриф деб номланган бўлса-да, жаҳонда жуда катта қизиқиш уйғотди. Чунки сўнгги йилларда дунёдаги энг қудратли икки давлат ўртасидаги муносабатлар совуқлашган, жаҳон аҳамиятига молик кўплаб масалаларда икки томон ўртасида турлича қараш-лар мавжуд эди. Айниқса, Россия — Грузия можаролари ва Кремль томонидан Жанубий Осетия мустақиллигининг тан олиниши, АҚШнинг собиқ президенти Жорж Бушнинг қатор бир томонлама қарорларидан сўнг шундай ҳам дарз кетиш арафасида турган муносабатлар бутунлай издан чиққанди. Шунинг учун ушбу учрашувни жаҳон ҳамжамияти катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатди.

5 »

ЛУҚМА

"Бошлиқ айтаверади, аммо маблағ йўқ"

2009 йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб номланиши қишлоқларимизнинг янада обод бўлишига ва чирой очишига туртки бўлди. Баъзи жойларда илгари машиналар қатновидан чанг кўтарилиб киши кайфиятининг бузилишига сабаб бўлган, ёғингарчиликда ботқоққа айланадиган кўчаларга эътибор берилиб, асфальт ётқизилаётганининг ҳам гувоҳи бўлаяпмиз. Бундан қишлоқларда яшовчи аҳоли чексиз миннатдор, албатта.

Аммо орамизда ҳамон тўрачилик кайфиятидан холос бўлмаган, бошқаларнинг арз-додига қулоқ тутмайдиган раҳбарлар ҳам борлиги афсусланарлидир. Ҳаётда ўз ҳуқуқини, қонун-қоидани билмаган кўнгилчан одамларни алдаш осонроқ бўлади. Қишлоқ аҳлини ўз ҳуқуқларини билмайди десак, нотўғри албатта, аммо уларнинг кўнгилчанлигидан фойдаланадиганларнинг кўплиги рост. Масалан, Норин туман электр тармоқлари корхонасининг айрим ходимлари аҳолининг, айниқса, пенсионерларнинг нафсониятига тегяпти. Бундан бир неча йил илгари қишли-қировли кунларда, "Марғизор" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Марғизор" маҳалламиздаги трансформаторни таъмирлаш учун ҳар бир хонадондан 500 сўмдан пул йиғиб, кабель сотиб олгандик. Бирор-бир баҳона бўлса, албатта "йиғди-йиғди" бошланади, акс ҳолда 3-4 кунлаб электр токисиз ўтирамиз.

Норин туман электр тармоқлари корхонасига қарашли "Тошқин" қишлоқ бўлимига телефон орқали "авария" ҳолатини тушунтиришимизнинг фойдаси йўқ. Бундан 2-3 йил илгари монтёрлар "трансформатор "автомат"ларини алмаштирмасангиз, ток бермаймиз" дейишиб хонадонларни электр линиясидан узиб қўйишди. 50 дан зиёд хонадон эгалари "ўзимиз ҳаракат қилмасак бўлмас экан" дея бир ҳафта деганда 2000 сўмдан йиғиб бердик.

Аммо ўрнатилган "автоматлар" ўзимизга насиб қилмади. Уларни "олғир" кимсалар бир ойга етмай, кечаси токни узмаган ҳолатда ўғирлаб кетишди. Жорий йил апрель ойининг охирларида Норин туман электр тармоқлари корхонаси "Тошқин" қишлоқ бўлими (бошлиғи Мўминжон Қобулов) хизматчилари келишиб, трансформаторни яна тармоқдан узиб кетишаётганининг гувоҳи бўлдик.

2 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

"ЕРКИН ҚАРАҚАЛПАҚСТАН" — 85 ЁШДА

Қорақалпоғистон Республикасинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва иқтисодий ҳаётини кенг ёритиб келаётган "Еркин Қарақалпақстан" газетасининг 85, "Вести Каракалпакистана" газетасининг 90 йиллик юбилейи муносабати билан Нукус шаҳридаги С.Хўжаниёзов номли Қорақалпоғистон ёш томошабинлар театрида тантанали тадбир ўтказилди.

Уни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмитаси раиси К.Рейимов очди. Тадбирда таҳририятлар жамоасини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва ҳукумати номидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари К.Абдижалиев табриклади. Бир гуруҳ журналистларга ва фахрийларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЗАМОНАВИЙ МАКТАБЛАР

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурига кўра, Фарғона вилоят марказининг ўзида 30 га яқин замонавий мактаб фойдаланишга топширилди. Жорий йилнинг охиригача яна 11 та мактабда мукаммал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилади.

— Айни кунларда 33- ва 36-умумтаълим мактабларида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда, — дейди Фарғона шаҳар халқ таълими бўлими мудири Муҳаммаджон Хожаев. — Эски кўринишдаги мактаб бинолари ўрнида қад кўтарган мазкур замонавий ва шинам даргоҳлар янги ўқув йилидан бошлаб минглаб фарзандларимизни ўз бағрига олади.

Вилоятдаги "КМК-82", "Қурилиш АРК", "Фарғона нефтехиммонтаж", "Фарғона Акмал қурилиш" хусусий корхоналари бунёдкорлари мазкур объектларни ўз вақтида, сифатли ҳолда фойдаланишга топшириш учун барча имкониятларни ишга солишмоқда.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ДЎКОНЛАРИ

Қашқадарё вилоятида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига кўра, уй-жойлар қурилишига, аҳоли хизматига йўналтирилган ижтимоий иншоотлар барпо этишга эътибор кучайтирилмоқда.

Вилоятнинг Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Деҳқонобод, Косон ва Қамаши туманларида қурилиш материаллари сотиладиган дўконлар иш бошлади. Эндиликда қурилиш ташкилотлари ҳамда ўз маблағига уй-жой тиклаётган фуқаролар бу ердан сифатли ва арзон нархларда цемент, ёғоч, тахта, металл, ғишт, ғишт блоклари, турли хил бўёқлар, ойна каби қурилишбоп материалларни харид қилишлари мумкин.

Яқин кунларда бошқа туманларда ҳам ана шундай дўконларни очиш режалаштирилган.

Пўлат ҒАДОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИДА ЁШЛАР ИШЛИ БЎЛИШДИ

Яқинда Ғиждувон туман ҳокимлиги ва туман бандликка кўмаклашувчи марказ ходимлари томонидан меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Тадбирда 110 та корхона ва ташкилот ҳамда ҳуқуқий мақомга эга тадбиркорлик субъектлари томонидан 800 та иш ўрни таклиф этилди. Меҳнат ярмаркасида кўплаб фуқаролар ишли бўлганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Айниқса, энди касб-ҳунар коллежларини тугатган 600 нафар ёшнинг ўз қизиқишлари доирасида иш топгани қувонарлидир.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЮРТИМИЗ ҚИШЛОҚЛАРИ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Тошкентдаги "Меросфильм" киностудияси ижодкорлари янги ҳужжатли фильмни суратга олишга киришдилар. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар қишлоқларида кейинги йилларда рўй берган залворли ўзгаришлар ўз аксини топади. Фильм ижодкорлари айни вақтда қорақалпоқ қишлоқларидаги суратга олиш ишларини муваффақиятли тугаллаб, ижодий ишларини Хоразмда давом эттиришмоқда. Сценарий муаллифи Ғиёс Шермуҳамедовнинг таъкидлашича, кейинги даврда — истиқлолга эришгач, юртимиз қишлоқларида рўй берган янгиликлар, бунёд этилган замонавий иншоотлар ҳамда бугунги қишлоқ киши онгидаги туб ўзгаришлар фильмнинг бош мавзуси бўлади.

Фильмнинг премьераси 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида бўлиб ўтади.

Ўз мухбиримиз.

МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА МУЗЕЙ

Сурхондарёдаги 12-Меҳрибонлик уйида музей ташкил этилди. Музей экспонатлари нафақат тарбияланувчилар, балки Бойсун туманидаги барча мактаб ўқувчилари учун ўз туғилган гўшалари тарихи, маданияти ва санъатини ўрганишга хизмат қилади.

— Эндиликда ушбу мўъжаз масканда олис тош даврдан бошлаб бугунги кунгача бўлган Бойсун тарихига оид юзлаб қизиқарли экспонатларни кўриш мумкин, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Муҳаммади Норқулов.

Туман прокуратураси ва туман ҳокимлиги, шунингдек бошқа ҳомий ташкилотлар бу масканни келгусида янада бойитишни режалаштиришмоқда. Музейнинг очилиш маросимига бағишланган тадбирда унга автомашина тақдим этилди.

Даврон ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири.

АДАБИЁТ – КЎНГИЛ ФАНИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Айни пайтда, "Давримизнинг бадиий солномасини яратишга ёзувчиларимиз қодирми?", деган ўринли саволни ўртага ташлади. "Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда, — дейди Президентимиз, — ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган *ҳароратли сўзи* (таъкид бизники — ***М.А.***) ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда." Эзгулик, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат, бағрикенглик... Ана шундай инсоний фазилатларга даъват этгувчи ҳароратли сўз... Чинакам адабиётнинг талаблари бу. Лекин "ҳароратли сўз"ни айтиш учун ёзувчи маънавий ҳуқуққа эга бўлмоғи керак. Маънавий ҳуқуққа эса катта билим, ҳаётий тажриба, кенг дунёқараш, юксак ижодий маҳорат, бир сўз билан айтганда, ҳақиқий фидойилик билан эришилади, деб уқтиради Юртбошимиз. Буларнинг бари кишини илҳомлантиради, айни пайтда катта масъулият юклайди, ўйлантиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарасини ошириш замон талаби, ҳаёт заруратига айланди. Президентимизнинг бизнинг "адабий рўзғор"имиз аҳволидан яхши хабардор эканликлари ҳам ҳайратланарли, ҳам қувонарлидир. Айтиш мумкинки, ижод аҳлини ташвишга солиб турган биронта ҳам муаммо назардан четда қолмаган. Истеъдодларни асраб-авайлаш, уларни топиш, тарбиялаш, меҳнатларини муносиб қадрлаш, қалам ҳақи тўлаш тизимини қайта кўриб чиқиш, нашриётлар, хусусан Уюшма муассислигидаги нашрларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кекса адибларга эътиборни кучайтириш, ёш ижодкорлар билан ишлаш кенгаши фаолиятини тубдан қайта қуриш, уларнинг илк китобларини давлат ҳисобидан чоп этиш, халқаро адабий алоқаларни муносиб йўлга қўйиш, Уюшманинг сифат таркибини назардан ўтказиш, Уюшма поликлиникаси, Дўрмондаги ижод уйини таъмирлаш ва бошқа масалалар ҳақида залворли фикрлар айтилган. Бу турган-битгани савоб бўлган ҳаётий масалаларнинг ҳар бирига тўхталиб, кўп таъриф сўзларини келтириш мумкин. Янги Ижод фондини ташкил этиш ҳақидаги фикр алоҳида таҳсинга сазовор...

Адабиётга бу қадар катта эътибор берилаётгани қувончлидир. Адабиёт – кўнгил фани, халқимизнинг маънавий оламини бойитадиган, азалдан кўнглини нурлантиришга йўналтирилган, руҳлантиришга қаратилган фан. Ёзувчининг қалби эса ростдан ҳам бир ғаройиб олам: у кўзга кўринмас иплар билан халқининг ҳаётига боғланган, юрт бесаранжом бўлса, у азобланади, Ватаннинг бирон фуқароси халқаро майдонларда зафар қучса, уни танимаса ҳам қувониб кетади, фидойи юртдошларини кўрса шарафлашга интилади ва ҳ.к. Лекин Президентимиз айтганларидек, ўз қобиғимизга ўралиб қолмаслигимиз керак, Мустақил Ўзбекистоннинг фуқароси сифатида юрт, эл, тарих олдида ўз ижтимоий бурчимизни тушуниб етишимиз шарт.

Алишер Навоий меросини маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаига айлантириш адабиёт аҳлининг вазифаси, деганларида Президентимиз мутлақо ҳақдирлар. Бу — қутлуғ вазифа. Буни ҳар биримиз жиддий ўйлаб кўришимиз лозим. Ҳар биримиз, улуғ шоир ижодини ўқиб-ўрганишимиз, у ҳақда ёзишимиз, учрашувларда тарғиб этишимиз, интернет орқали жаҳонга тарғиб қилишга жиддий киришишимиз керак. "Чет эл ёзувчилари билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига бугун етарлича аҳамият бермаяпмиз", деб ўринли таъкидлайди Юртбошимиз.

Шу ерда бир воқеани эслаб ўтгим келиб қолди. 1991 йилда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб, шоирнинг ўн ғазали ўн саккиз тилга таржима қилинди, турли мамлакатлардан таклиф этилган таржимон шоирлар бир ой давомида Дўрмондаги Ижод боғида истиқомат этдилар, кейинчалик бу таржималар "Бақо гули" номида китоб бўлиб босилиб чиқди ва меҳмонларга туҳфа қилинди. Ёзувчилар уюшмасининг Таржима маркази раиси сифатида камина улар билан бирга бўлдим. Ижодкорлар, навоийшунос олимлар билан кўп учрашувлар, мулоқотлар уюштирилди. Шунда Белорусдан келган бир шоир суҳбатлар орасида Навоий шеъриятидан ҳайратланиб, бундай деди: "Ажабо, шундай шоир ҳам бўлар эканда. Одатда, бизлар гул ҳақида шеър ёзсак, гулни, япроқларини, рангини таърифлаб уни ёрга қиёс қиламиз. Шеъримиз шу билан тугайди. Навоийда эса бир байтнинг ўзида ҳам гул бор, ҳам ёр бор, Осмон бор, Ер бор, яна бошқа кўп маънолар бор... Бизларда бундай шоир йўқ. Сизларнинг ўрнингизда бўлсам, турли мамлакатлардан таниқли таржимонларни таклиф этардим, Навоийнинг икки юзта ғазалини жаҳоннинг бир неча нуфузли тилларига масалан, инглиз, рус, испан, немис, араб, хитой, форс, япон, корейс, француз, ҳинд, португал, итальян, украин тилларига баланд савияда таржима қилдирардим. Китобни нашр этиб, ўша мамлакатларга тарқаттирардим. Шунинг ўзи ўзбек халқини дунёга янада танитган, ўзбек адабиёти шарафини, довруғини жаҳонда қўл етмас чўққига чиқариб қўйган бўлур эди!.." Шукурлар бўлсинки, шундай фурсатлар ҳам етиб келмоқда.

Жаҳонда нималар кечаётганини кузатайлик, атрофимизга бир назар ташлайлик. Даҳшатли иқтисодий инқироз манаман деган анчайин давлатларнинг ҳам белини букиб қўйди, улар мадад сўраб турли халқаро идораларга мурожаат қилишмоқда, ҳамма жойда ишчи ўринлари қисқартирилмоқда, иқтисодий қийинчиликлар рўй бермоқда, нотинчлик ҳукм сурмоқда. Озод Ўзбекистонимизда, худога шукур, бошқача манзара: бу йил "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб аталди, Давлат дастурида катта вазифалар белгиланди. Дарвоқе, хориждан келган меҳмонлар, жаҳонни иқтисодий буҳрон қамраган бир пайтда юртимизда бўлаётган кенг кўламли ободонлаштириш ишларини кўриб лол қолишмоқда, 2200 йиллик тўйини нишонлашга шайланаётган эртаклардагидек муаззам Тошкентимизнинг бетимсол кўрку жамолига боқиб, ҳайратдан бармоғини тишлашмоқда. Президентимиз жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида яқинда Наманган вилоятида бўлган вақтларида қишлоқларимизнинг яна ҳам обод бўлишини, шаҳарлардан қолишмайдиган даражада гуллаб-яшнашини, ҳали шаҳарликлар ҳавас қилишиб, қишлоқларда уй-жой қуришга интилишларини айтиб ўтдилар. Халқимиз муқаддас ва улуғ бир даргоҳ деб биладиган адабиётга катта эътибор берилиши эса, шубҳасиз, маънавиятга, демакки, келажакка эътибор берилаётганини кўрсатади.

Катта ғамхўрлик ва эътиборга биз адиблар, ижодкорлар фақат миннатдорчилик сўзларинигина айтиб қолмасдан, балки қаламни маҳкамроқ ушлашимиз, тинимсиз ўқиб-ўрганишимиз, изланишимиз, халқимиз ичига бориб, ундан куч олиб, озод Ўзбекистонни мадҳ этадиган, унинг бебаҳо кишиларини васф айлайдиган, оламга кўз-кўз қиладиган асарлар ёзиш билан муносиб жавоб беришимиз лозим. Зеро, олдимизда Президентимиз айтганларидай, давримизнинг бадиий солномасини яратишдек, улуғ вазифа турибди. Буни ҳамиша ёдда тутмоғимиз зарур.

САВОЛ-ЖАВОБ

ИСМИМНИ ЎЗГАРТИРМОҚЧИ ЭДИМ...

Менга қўйилган исм ўзимга сира ёқмайди. Шу боис, исмимни ўзгартирмоқчи эдим. Бу масалада қаерга мурожаат қилишим мумкин?

С.ЮСУПОВ
Бухоро шаҳри

Фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш юридик акт бўлиб, бунда фуқаронинг хоҳишига кўра, унга янги фамилия, исм ва ота исми берилади. ФҲДЁ органи томонидан керакли далолатнома ёзувларига ўзгартириш киритилгач, янги гувоҳнома ёзилади.

Фамилия, исм ва отасининг исмини ўзгартиришни хоҳлаган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 226-моддасига асосан 16 ёшга тўлгандан сўнг ариза билан яшаб турган жойидаги ФҲДЁ органига мурожаат этишлари лозим.

Фуқаро бир вақтнинг ўзида фамилияси, исми ёки отасининг исмини қуйидаги узрли сабаблар бўлганда ўзгартириши мумкин:

— фамилия, исм ва ота исми эшитилишда ёқимсиз бўлса;

— фамилия, исм ва ота исми миллатига тўғри келмаса;

— хоҳишига қараб никоҳгача бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтишда;

— оилада бир хил фамилияда бўлиш истаги пайдо бўлганда (агар никоҳ тузиш пайтида эр-хотин умумий фамилияни танламаган бўлса) ва бошқа узрли деб топилган асосларга кўра.

1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунининг15-моддасига асосан ҳам фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш амалга оширилиши мумкин. Ушбу моддага мувофиқ Ўзбекистон ҳудудида яшовчи шахслар, ўз миллатидан қатъи назар фамилия, исм ва ота исмини миллий-тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ички ишлар бўлими 30 кун ичида тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиққач, ўз хулосасини беради. ФҲДЁ органи бу хулосани олгач, ҳужжатлар асосида фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш ёки рад қилиш тўғрисида асослантирилган хулоса тузади ва далолатнома ёзувига тегишли ўзгартиришларни киритиб, фуқарога янги гувоҳнома беради.

Ота-онанинг ёки улардан бирининг фамилияси ўзгартирилса, уларнинг вояга етмаган болаларининг фамилиясини ўзгартириш масаласи ота-онанинг келишувига асосан ҳал этилади. Агар болалар вояга етган бўлсалар, у ҳолда ота-оналар ёки уларнинг бири фамилиясини ўзгартирганлиги фарзандларининг фамилиясини ўзгартиришига сабаб бўла олмайди.

Ота ўз исмини ўзгартирса, албатта, унинг вояга етмаган болаларининг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувида ота исмининг ўзгаришига сабаб бўлади, агарда болалар вояга етган бўлса, ота исми фақатгина уларнинг аризаларига кўра ўзгартирилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ота-оналар болаларининг фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш учун аксарият ҳолларда 16 ёшга тўлиб, паспорт олиш вақтини кутадилар. Агар бола 16 ёшга тўлишини кутмасдан фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш учун юқорида қайд этилган узрли сабаблар бўлганда ёки Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунининг 15-моддасига биноан фамилия, исми ва ота исмини ўзгартириш истагини билдириб, мурожаат этилса, ота-она ва 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган боланинг аризаларига асосан далолатнома ёзуви сақланаётган ФҲДЁ органи томонидан ариза берилган куниёқ масалани ҳал этса бўлади.

Мастуба САДРИТДИНОВА,
Чилонзор туман ФҲДЁ бўлимининг 1-тоифали инспектори.

"Бошлиқ айтаверади, аммо маблағ йўқ"

(Бошланиши 1-бетда.)

Буни кўрган маҳалладошлар чиқиб сабабини сўрадик. Улар эса ҳар бир хонадон эгаси 4000 сўмдан пул йиғиб, юқори кучланишли ички кабель ва "рубелник"ларни сотиб олиш зарурлигини айтишди.

Бизнинг "Туман электр тармоқлари корхонаси томонидан таъмирлаш учун маблағ ажратилмайдими?" деган саволимизга, улар: "йўқ", деб жавоб қайтаришди. Наилож эшикма-эшик юриб, ҳар бир хонадондан 4 кун деганда улар айтган пулни тўплаб, Наманган шаҳридаги "Жаҳон бозори"дан керакли эҳтиёт қисмларни харид қилиб, "свет"ни ёқдик ва трансформаторга қулф ўрнатдик. Уни таъмирлашда мутасадди ташкилотдан вакил келмагани туфайли шу соҳага алоқадор бошқа кишини топиб, ёллаб ишлатдик...

Ўзим истиқомат қилаётган хонадон тепасидан 3 қаторли юқори босимли электр сими ўтган ва 1 дона симёғоч ҳовлининг ўртасига жойлашган бўлиб, у тагидан чириб, симларни омонат ушлаб тургани ҳақида 2007 йил 5 февралда Норин туман электр тармоқлари корхонаси (собиқ раҳбари Х.Бозорматов) номига ариза бердим. Деярли ҳар ойда у кишига ҳам учраб, ҳам телефон орқали жуда кўп эслатилди. У киши туман электр тармоқлари корхонасига қарашли "Тошқин" қишлоқ электр бўлими бошлиғи Мўминжон Қобуловга учрашиш кераклигини айтди. У эса: "Ёзган аризангиз қўлимда, бошлиқ айтаверади, маблағ йўқ", баъзида эса: "транспорт йўқ" деган турли баҳоналарни рўкач қилиб йилларни ўтказмоқда. Мутасаддиларнинг бундай бепарволиклари оқибатида қаттиқ шамол пайтида симёғоч қуласа, унинг тагидан ўтган газ қувурлари, хонадонларининг томига симлар узилиб тушгудай бўлса бунга ким жавоб беради?

Дарвоқе, корхонанинг "Ишонч телефон"ларига бир неча марта қўнғироқ қилдик. Вилоят (226-89-64, 226-29-90), туман (612-11-71) "Ишонч телефон"ларига ишонч йўқ экан. Улар "Бу ишлар бизга тегишли эмас", дея ҳафсалани янада пир қилишди.

Наҳотки, туман электр тармоқлари корхонаси фаолиятини тартибга чақирадиган бирор-бир мутасадди ташкилот бўлмаса? Қачонгача корхонанинг бундай "фаолияти"дан одамлар норози бўлишади?

Раҳимжон АБДУЛЛАЕВ,
Норин тумани.

ТОҒ БАҒРИДАГИ ОРОМГОҲ

(Бошланиши 1-бетда.)

Устозимиз бизга ёзишни ўргатаяптилар,"—деди Раъно Салимова ва Зафар Расуловлар. Тошкентдаги 22-Меҳрибонлик уйининг 40 нафар тарбияланувчиси ҳам шу ерда ҳордиқ чиқаришаётган экан. Уларнинг бир қисми волейбол ўйнарди. Бу манзараларни кўриб, мен ҳам улар сафига қўшилгим келди. Бизга Бобур ғазалларидан ўқиб берган 7-синф ўқувчиси Баҳодир Аминов бу оромгоҳга ҳар йили келишини, бу ердан жуда кўп таассуротлар билан қайтишини айтди. "Менинг эса бу ерга илк бор келишим, — дейди Ситора Усмонова. — Зерикишга умуман вақт йўқ. Рассомчилик, рақс, шахмат-шашка, драма, журналистика тўгаракларининг машғулотлари, концерт, кино, спорт ўйинлари... Ҳаммасининг ўз вақти бор, уларга улгуриш учун доим вақт топамиз."

Дам олаётган болажонлар учун тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати ташкил этилган. Таомномадаги овқатларнинг оқсил ва дармондориларга бойлиги диққатимизни тортди. Ошхоналардаги санитария-гигиена ҳолатлари рисоладагидек. Хуллас, бу гўшада болаларнинг чинакамига мароқли дам олиб, чиниқишлари учун барча нарса муҳайё. Шунингдек, мусаффо тоғ ҳавосининг ўзи ҳам катта шифодир.

Айрим йирик корхоналарга қарашли болалар оромгоҳлари фаолият юритмаётган бир пайтда мазкур дам олиш ҳудудидаги намунали шароит хусусида "Алгоритм" ОАЖ касаба уюшмаси қўмитаси раиси Йўлчивой Раҳимжоновдан сўраймиз.

СУРАТЛАРДА: *оромгоҳда дам олаётган болажонлар. Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.*

— 17 йилдирки, корхона касаба уюшмаси қўмитасини бошқарарканман, ушбу оромгоҳ фаолиятини имкон қадар яхшилашни, болаларни спорт ва тоза ҳаво орқали чиниқтиришни асосий мақсад қилиб қўйганмиз. Ёш спортчиларнинг саломатликлари учун 1000 метр, яъни ўртача баландликдаги тоғ ҳавосининг аҳамияти катта. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, 6-14 ёшдаги болаларнинг тоза ҳавода чиниқишлари учун энг қисқа муддат 18 кундан иборат. Бизда болалар ёз мавсумининг тўрттала навбатида ҳам 18 кундан дам олишади. Лекин баъзи бир корхона ва ташкилот жамоалари бу муддатни 15 кун этиб белгилаётганлари мақсадга мувофиқ эмас. Ҳозир мавсумнинг 2-навбатида корхонамиз ишчи-хизматчиларининг 300 нафар фарзанди, "Бунёдкор" болалар футбол академиясининг 60 нафар ўқувчиси ҳордиқ чиқаришмоқда. Ҳар йили оромгоҳимизда республикамиз спорт мактаблари тарбияланувчилари чиниқтирилади. Уларга "Алоуддин" болалар шоу жамоаси, шунингдек рақс гуруҳимиз ўз дастурлари билан хизмат қилади. Бундан ташқари ҳар йили август ойида "Пахтакор-79" жамоасининг хотирасига бағишланган халқаро турнир ўтказилиши ҳам анъанага айланган. Бир неча чет давлатлар элчихоналарининг вакиллари, қўшни республикалар футбол жамоалари аъзолари, спорт усталари, шарҳловчилар ташриф буюрадиган бу тадбир катта анжуманга айланади. Катталарнинг ўйинларини ўз кўзлари билан кузатган болалар ҳам майдонга тушадилар. Улар бу сингари учрашувлардан бир олам таассурот олишлари табиий.

— Кези келганда яна шуни айтиш лозим,— дейди Й.Раҳимжонов,— охирги йилларда Чимён тоғ ёнбағрида "Шарқ юлдузи", "Қуёшли","Зафар" болалар оромгоҳлари ўз фаолиятини тўхтатгани сир эмас. Бу дегани тахминий ҳисобларга кўра, юз боладан атиги ўн беш-йигирматаси бугун тоғ бағрида дам олиш имконига эга. Кичик бир муқоясадан кўриниб турибдики, бугун болалар дам олиш масканларини қўллаб-қувватлаш зарурати сезилмоқда.

Бу мулоҳазаларда ҳам жон бор, албатта. Аммо изланиб имкон топаётган ташкилот ва корхоналар биз ҳикоя қилгандек, дам олиш масканларини ташкил этишда ҳам яхши натижаларга эришмоқда. Келажагимиз эгалари бўлмиш — болаларнинг жисмонан ва руҳан соғлом бўлиши учун ҳаракат қилган ҳар қандай жамоанинг бундай ибратли саъй-ҳаракатларини эса олқишлаш жоиз.

Мамлакат НОРМУРОДОВА

ЖАРАЁН

ЗАМОНДОШ

ҲАЁТДАГИ ШИОРИ — ФИДОЙИЛИК

Ғулом Комилов Қарши шаҳридаги 3-мактабда таҳсил олаётган пайтлариданоқ шифокор бўлишни орзу қиларди. Мактабни битиргач, уни шу ният Самарқанд тиббиёт олийгоҳига бошлади. 1972 йилда институтнинг травматология факультетини аъло баҳоларга битирди.

У ўз меҳнат фаолиятини дастлаб вилоят шифохонасида бошлади. Кейин шаҳар "Тез ёрдам" шифохонасида давом эттирди.

Йиллар ўтди. Беш йилдан сўнг уни бош ҳаким лавозимига тайинлашди. У вазифасига масъулият билан ёндашар, ишхонасини обод гўшага айлантиришга ҳаракат қиларди. Шифокор сифатида ҳам изланар, тиббиётдаги янгиликлар билан ҳам мунтазам танишиб борарди.

Бош ҳаким этиб тайинланганида бу ерда атиги иккита тез ёрдам машинаси юрарди, холос. Ҳовлидаги қатор машиналарнинг барчаси таъмирталаб, баъзиларининг керакли қисмлари ечиб олиниб, яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Елди, югурди, кўпларини яроқли ҳолатга келтирди. Янгиларини харид қилди. Юрадиган машиналар сони ўттиздан ошди. Хуллас, ишни йўлга қўйиб олди.

Бир куни телефон жиринглаб қолди.

— Алло, "Тез ёрдам" эшитади.

— "Тонг" меҳмонхонасидан безовта қилаяпмиз. Бир меҳмонимизнинг юраги хуруж қилиб қолди. Илтимос, тез етиб келсаларингиз.

Навбатчи ҳамшира билан бош ҳаким меҳмонхонага борди. Уларни меҳмонхона навбатчиси иккинчи қаватга, касал ётган хонага бошлади. Ранглари кўкариб кетган бемор юрагини чангаллаб ётарди. Ғулом ака тезликда беморнинг қон босимини ўлчади. Укол қилишни буюрди. Тинчлантирувчи дори ичирди. Анча ўзига келиб қолган бемор уларга миннатдорчилик билдириб:

— Хайрият, вақтида келдинглар. Раҳмат сизларга. Олдин ҳам микроинфарктни ўтказган эдим. Энди юрагим панд беради, деб қўрқган эдим. Илоё, барака топинглар.

— Энди тузукмисиз? Бизлар кетсак бўладими? — ярим ҳазил сўради Ғулом ака.

— Шифокорларни рози қил, — деди бемор ёнидаги аёлга.

— Бу нима деганингиз? Ёрдам кўрсатиш бизнинг вазифамиз.

Аёл чўнтагидан пул олиб, ҳамшира ва Ғулом аканинг чўнтагига солмоқчи бўлди. Лекин улар аёлнинг қўлини қайтаришди.

— Нима, озми? Яна қўш, — деди бемор аёлга.

— Йўғ-е, нотўғри тушундингиз. Биз бу нарсага ўрганмаганмиз.

— Ие, қизиқ экансизлар-ку. Нима бало, бошқа сайёрага келиб қолдикми? Қўлимизни қайтарманглар, хафа бўламиз.

— Ўша пайтларни эсласам, ҳалиҳалигача оёқ-қўлларимнинг қалтирагани эсимдан чиқмайди, — дейди Ғулом ака бўлиб ўтган воқеани хотирлаб.



Ғулом Комилов шифохонани 17 йил бошқарди. Яхши ишлагани, ташаббускорлиги учун шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудирлигига тайинланди. Шаҳар шифохонасини, туғуруқхонасини, поликлиникаларини янги асбоб-ускуналар билан таъминлашда жонбозлик кўрсатди. Шаҳар касалхонасига ультратовушли япон аппаратини келтириб, ўрнаттирди. Мутахассис шифокорларни малака ошириш учун қўшни республикаларга ўқишга юборди. Бир куни ҳамшира тажрибасизлик қилиб, тиббий аппаратнинг микросхемасини куйдириб қўяди. Бир шифокор вилоят прокуратурасига "қимматбаҳо аппаратнинг микросхемасини сотиб юборган" деган мазмунда ҳамшира устидан шикоят хати йўллайди. Ғулом Комиловни прокуратурага чақиришади.

— Так, — деди ёшгина йигит уни хатнинг мазмуни билан таништириб, — микросхемани қанчага пулладинглар?

— Кечирасиз, микросхема куйиб қолди. Уни ахтармаган жойим, сўрамаган кишим қолмади. Ҳатто Япония элчихонаси томонидан ташкил этилган кўргазмага ҳам мурожаат қилганман. Мана телефон рақами, суриштиришингиз мумкин.

Йигит телефон рақамини олиб, қўнғироқ қилди. Элчихона вакили воқеадан хабардор бўлгач:

— Кечирасиз, биз суриштириб, бу микросхемани ҳозирча тополмаяпмиз. Сизлар сўраётган нарса нари борса сизнинг пулингизда минг сўм туради. Бизда буюмлар ишлаб чиқарилаётганда, такомиллаштириб борилади. Шу сабабли сиздаги аппарат микросхемасини топиш оғирроқ кечаяпти. Лекин ҳаракатдамиз, — дея телефон гўшагини қўйди.

Ноқулай аҳволда қолган прокуратура ходими Ғулом акадан кечирим сўраб, уни ташқаригача кузатиб қўйди.

Ғулом Комилов бу даргоҳни беш йил бошқарди. Бир куни вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига чақиришиб, юрак хасталиги шифохонасига ишга ўтишини айтишди. Тажрибали шифокор бу ерга келганида 48 ўринли шифохона замон талабларига жавоб бермас, бино эскирган, жиҳозлар тўкилиб қолган бир алфозда эди. Вилоят кардиология марказини қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қурилиш бошлаб юборилди. Вилоят ҳокимлиги ёрдамида шифохона республика миқёсидаги замонавий жиҳозланган кардиология маркази даражасига кўтарилди. Иш энди изга тушган бир пайтда уни яна соғлиқни сақлаш бошқармасига чақириб қолишди.

— Сизнинг фидойилигингиз, тиббиёт соҳасидаги хизматларингиз бизга яхши маълум. Бунинг учун сиздан миннатдормиз. Гапнинг индаллосига келсак, вилоят эндикринология шифохонаси ўзингизга маълумки, эски, мослашган бинода жойлашган. Беморлар сони йилдан-йил ошиб бормоқда. Яна сизга тўхталдик. Нима дейсиз?

— Нима ҳам дердим, — деди Ғулом ака сал ўйга ботиб, — сизлар қаерни лозим топсаларингиз — ишлаш менинг бурчим.

Ғулом Комилов бу шифохонада ҳам ишга киришиб кетди. Иситиш системасини янгилатди. Тўрт бўлимнинг ҳар бирига алоҳида қозонхона ўрнатди. Бўлимлар ишини қайтадан кўриб чиқди. Биноларни вақтинчалик бўлса-да таъмирлаб, гиламлар тўшатди. Янги шифохонани қуриш бўйича юқори ташкилотларга хат билан мурожаат қилди.

Хуллас, Ғулом Комилов ўз касбининг фидойиси. У самимийлиги, ширинсўзлиги, ҳалоллиги билан эл-юрт ҳурмат-эътиборини қозонмоқда.

Исмоил ТЎХТАМИШЕВ

Сўнгги пушаймондан наф йўқ

(Бошланиши 1-бетда.)

Мустақиллик туфайли мамлакатимиз ёшлари учун берилган имконият — хорижга бориб ишлашдан фойдаланган Рустам 2002 йилда Жанубий Кореяга кетиб, уч йил давомида ўша ерда ишлайди. Бироқ меҳнат шартномасининг муддати тугагач, Ватанига қайтиш ўрнига ўша мамлакатда қолиб, ноқонуний яшай бошлайди. Кейинчалик, унинг сири фош этилгач, Кореядан мажбурий тартибда чиқариб юборилади.

Рустам амакиси ва поччаси каби қилган айблари учун қонун олдида жавоб бериши муқаррарлигини, қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари унинг ҳам изига тушганини англаб, хорижидан қайтгач, ўз шахсини яшириш мақсадида исм-шарифини Юсупов Абдулазиз Юсупович қилиб ўзгартиради. Бу ҳақда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳам олади. Шундан кейин ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг эътиборидан узоқроқда бўлиш учун Украина давлатига, ўша ерда савдо-тижорат билан шуғулланувчи амакиси К.Рабиевнинг ҳузурига равона бўлади...

Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан Рустамнинг қилмишлари устидан одил судга тақдим этилган ҳужжатлар «тилга киргач», унинг айбига иқрор бўлишдан бошқа чораси қолмади. Ҳатто яхши ниятлар билан қўйилган исмини ўзгартириши ҳам фойда бермади. Унинг жиноят ишини кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг ҳукми ҳам шунга яраша бўлди.

Хадича РАҲИМОВА,
Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди судьяси.
Даврон ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ОДАМ САВДОСИ

Фирибгарлар қўлга тушди

Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл, деган мақол бекорга айтилмаган. Дарҳақиқат, бугун тинч-тотув ҳаётимизга шукр қилмай, ўзга юртлардан жаннат қидириб кетаётганлар қанча. Уларнинг орасида алданиб қайтиб келаётганлари ҳам кўп.

Яқинда мамлакатимизнинг бир неча фуқаролари ноқонуний хатти-ҳаракат қилган ва ўзларини Қозоғистон Республикасида ишлатиб, алдаб кетган Илҳом Тўраев ва Соҳибназар Худоёровлар устидан Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Тошкент шаҳар Ҳамза тумани бўлимига шикоят аризаси ёзиб, уларга нисбатан қонуний чора кўрилишини сўрашди.

Департамент ходимларининг ўтказган текширувлари натижасида Илҳом Тўраев ва Соҳибназар Худоёровлар ҳақиқатан ҳам юқоридаги жиноятни содир этгани маълум бўлди. Суриштирув Тўраев ва Худоёровларнинг ноқонуний иши 2008 йилнинг июль ойларида бошланганини кўрсатди. Улар ўзаро жиноий тил бириктириб, мардикор топиш мақсадида Тошкент шаҳридаги "Фарғона йўли деҳқон бозори"га бориб, у ерда Санжар Мавлонов, Алишер Синдоров, Акбар Холбоев, Сайфиддин Сидиқов, Зафар Қорабоев каби 10 нафар республикамиз фуқаросини катта ваъдалар билан қўшни Қозоғистон Республикасида ишлашга таклиф қилади. Фирибгарлар гапига лаққа тушган йигитлар рози бўлишади.

Шундан сўнг улар Тўраев ва Худоёровлар кўмагида ноқонуний йўл билан Қозоғистон Республикасига чиқиб кетишади. Вақт ўтиши билан ваъда қилинган иш ҳақи берилмагач, Санжар Мавлонов ва унинг шериклари алданганини тушуниб етишди. Афсуски, бу пайтда анча кеч бўлган эди...

Бугунги кунда Илҳом Тўраев ва Соҳибназар Худоёровларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шерзод МУЗАФФАРОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар Ҳамза туман бўлими бошлиғи.

Таҳририятга хатлар

Адолат тикланди

Бухоро минтақавий темир йўл бекатига қарашли Бухоро-1 бекатида 2003 — 2007 йилларда қоровул бўлиб ишлаган А.Саъдуллаев 2007 йили бекатнинг собиқ бошлиғи Н.Назаровнинг буйруғи билан қоровул сифатида қўшимча вақтларда ҳам ишлайди. Аммо меҳнатга ҳақ тўлашга келганда, раҳбар бундан бўйин товлайди. Ҳақиқатни қарор топтиролмай овора бўлган А.Саъдуллаев охир-оқибат Бухоро транспорт прокуратурасига ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Мазкур шикоят аризаси юзасидан текширув ўтказилганда, Бухоро-1 бекати қоровули бўлиб ишлаган А.Саъдуллаев ҳақиқатан ҳам иш вақтидан ташқари 1000 соат қўшимча ишлагани маълум бўлди. Собиқ қоровул бу ҳақда Бухоро-1 темир йўл бекатининг ўша пайтдаги раҳбари Н.Назаровга бир неча маротаба ёзма ва оғзаки равишда мурожаат қилганига қарамасдан бошлиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 154-161-моддалари талабларини қўпол равишда бузади.

Ниҳоят, адолат қарор топди. Суд фуқаро А.Саъдуллаевнинг ундирилмаган 538 минг 491 сўм иш ҳақини Меҳнат кодексининг 157-моддасига асосан икки ҳиссага кўпайтириб, бир миллион етмиш олти минг тўққиз юз саксон икки сўм миқдорда ундириб берди. Ноҳақликка йўл қўйган Н.Назаров эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Баҳром НАЗАРОВ,
Бухоро транспорт прокуратурасининг катта ёрдамчиси.

Бозор маъмуриятининг вазифаси

Чироқчи туманининг Чиял қишлоғидаги бозорнинг довруғини кўпчилик билади. Маълумки, бу ер ҳар куни олис-яқиндан келган меҳмонлар, маҳаллий харидорлар билан гавжум бўлади. Албатта, бу яхши. Лекин бозорга ёнма-ён қабристон жойлашгани қандайдир ўнғайсиз ҳолатни юзага келтиради. Бу ерга келган киши егуликлар, мева-чевалар харид қилади, хуллас хуш кайфият билан уйи томон ошиқади. Лекин бозордан чиққан заҳоти кўзи мўнғайиб турган қабрларга тушадию... Албатта, киши ўзлигини унутмаслиги учун қабристонга бориб туриши зарур. Лекин мозорнинг ҳам, бозорнинг ҳам ўз йўриғи бор-да. Ҳам урф-одатларга, ҳам гигиена талабларига кўра, қабристон ёқалаб ҳамма нарсани кўтариб ўтиш ножоиз бўлса керак.

Тўғри, қабристон ҳудуди бундан анча йиллар олдин темир панжара билан ўралганди, лекин девор билан тўсиб қўйилса, савоб иш қилинган бўларди. Афсуски, ҳозирча бу тўғрида ҳеч ким ўйлаб кўрмаяпти. Бозор маъмурияти ва шу ишга алоқадор мутасадди раҳбарлар ушбу масалани ҳал қилсалар, жуда ўринли бўлар эди.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ
Қашқадарё вилояти.

Самосийнинг каромати

"Мақомати Мир Кулол"да нақл қилинишича, Самос қишлоғида икки гуруҳ орасида низо чиқиб, мушт лашиб кетишибди. Натижада бир кишининг тиши синибди. Жабрланган томон, "тишимиз хунбаҳосини ундириб оламиз", — деб ҳокимга арз қилмоқчи бўлибди. Шунда бир киши: "Бобойи Самосий ҳазратларига мурожаат этайлик, у киши не десалар, шуни қилайлик" дебди. Унинг бу фикри ҳаммага маъқул бўлибди. Ҳазрат Бобойи Самосий синган тишни олиб, Мир Кулолга берибди ва: "Эй фарзанд, сиз шундай бир иш қилингки, орадаги низо йўқолсин", дебди. Мир Кулол тиш синиғини жабрдийданинг оғзига солиб, дуо қилибди. Яратганнинг қудрати билан тиш яна асл ҳолига қайтибди. Шундан сўнг икки гуруҳ бир-бири билан ярашиб, қиёматлик дўст тутинган экан.

Турсунали ЮСУПОВ
Фарғона вилояти.

Ҳикматларга бой дунё

Устозимиз Баҳодиржон Азизов яқин ўтмишда яшаб ижод қилган риштонлик навоийшунос олим, табиб, ҳассос шоир Мирзаабдулла Боқий ҳақида ҳикоя қилиб берганди. Бу зот тўғрисида турли ривоятомуз гаплар ҳам юради. Масалан, Мирзаабдулла Қўқондаги мадрасаларда ўқиб юрганида пирлари Тошхўжа Эшон Бухорои шарифда уюштирган "Қорихонлик" мусобақасида иштирок этади. Охирги имтиҳонда шу босқичгача етиб келган Боқий ва яна иккита ёш қорининг илми "Лодуний"-дан бохабарликлари текширилади. Яъни уларга ҳар қаердан қабр кўрсатилади ва унда ётган жасаднинг ҳолатини баён қилиш таклиф этилади. Мирзаабдулла шерикларидан фарқли ўлароқ, "Қабрда ётган аёл жасади экани, унинг вафот этганига қарийб қирқ йил бўлгани, аммо йигирма йиллан бери бу қабр эгасига дуо ва фотиҳа келмаётганини" айтади. Маълум бўлишича, ҳақиқатан ҳам қабрда ётган аёл ёлғиз қизини қўшни қишлоққа турмушга берган ва орадан ҳеч қанча вақт ўтмай вафот этган экан. Қизи ҳам барча маросимларни адо этгач, уйни сотиб, қайтиб кетибди. Шу тариқа, ғолиб чиққан Мирзаабдулла Қўқонга катта обрў билан қайтади.

Кунларнинг бирида уйида ўтирган Мирзаабдулланинг ранги оқариб, дарҳол отини юганлайди-да, "Мени пирим чорлаяптилар" дея Қўқонга равона бўлади. Эшик ёпида турган Тошхўжа Эшоннинг мурили ҳам унга: пиримиз Рошидан томонга қараб: "Мирзаабдулла, болам, барвақт кел" деб бир неча бор нидо қиллилар, — дейди. Ўша куни Тошхўжа Эшон суюкли шогирдини бағрига босиб, "хислатларим сенга ўтсин" дея дуо қилади.

Чарос НИЗОМИДДИНОВА
Риштон тумани.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

АЛДОВ ДАРДИ

Бировни дўст билиб, унга ишониб, оқибатда ҳоли забун бўлган, тўғриоғи, алданган киши, шубҳасиз, моддий ва маънавий зарар кўради, сиқилади, соғлиги ёмонлашади. Аммо озроқ вақт ўтгач ишлари ўнгланади, соғлигини тиклайди, дард-у аламларини унутади. Баъзилар эса қисматимда шундай кўргилик бор экан, деб кўя қолади.

Фириб берган кишилар эса ўзгалар кўзича зоҳиран бой, тўкин-сочин яшайди. Бироқ уларнинг ич-этини емириб ётган бир нарса бор. Бу — ҳар доим таъқиб этадиган алдов дарди. У кимнидир чув туширганини ҳеч қачон тан олмаслиги мумкин. Аммо у ростакамига ғолиб бўла олмайди ва бу атрофидагиларга билинмаса ҳам ўзига аён. Шу боис хотиржамлик унга бегона.

Бундай фикрга келишимизга бир тасодиф сабаб бўлди. Аниқроғи, бир ҳамкасбимиз бу тўғрисидаги воқеани айтиб берди. Эҳтимол, сизга ҳам қизиқ туюлар, деган мақсадда уни суҳбатдошимизнинг тилидан баён этишга қарор қилдик.

"Талабалигимда бир эски ҳовлида ижарада турдим. Уй эгаси ўзим тенги йигит экан. Дарров дўстлашиб кетдик. Кейин у ҳорижга ишга кетди. Биздан ёши каттароқ курсдошим бор эди. Қадрдон эдик. Оиласи билан бир рус кампирнинг уйидагина уйида яшарди. Кампир унга уйини сотмоқчи бўлиб, арзимаган нарх айтибди. У менга "Шу уйни иккиламиз олайлик, кейин сизга ҳаракат қиламиз", деди. Бу таклиф менга ҳам маъқул бўлди. Аммо иккаламизда ҳам пул йўқ. Бу уй бозорга яқин жойда эди. Биз пул топиш учун бозорга, савдога чиқмоқчи бўлдик. У шаҳарда яшаш учун доимий рўйхатдан ўтмагани учун солиқ инспекциясидан менинг номимга патент очдирдик. Патент менинг номимда бўлгани учун эртадан кечгача савдода ўтираман. Кечқурун нарсаларни унинг уйига олиб бораман-да, молни ва савдо пулини топшириб, трамвайга ўтириб уйга қайтаман. Эртасига ҳам аҳвол шу. Савдомиз юриша бошлагани сайин унинг муомаласи ўзгариб бораверди ва охир — оқибат мен бозордан кетиб, бировдан қарз олиб, аранг патентни ёпиб олдим.

Орадан чамаси икки йил вақт ўтиб ўша ҳорижга кетган дўстим қуруқ қўл билан қайтиб келди. Бунгача мен югуриб-елиб уч-тўрт сўм ғамлаб олган эдим. Бироқ бу пул уй сотиб олиш учун урвоқ ҳам бўлмас эди. Ўртоғимга ҳам уй керак. Нураб бораётган ҳовлисига келин олиб келишга уялади. Шундай қилиб иккаламиз баъзан ярим тунга қадар пул топишнинг йўлларини қидирардик. Ахийри, шерикликка новвойхона, сомсахона, дўконча қурмоқчи бўлдик. У маблағ берадиган, мен эса қурадиган бўлдим. Иш бошланди. Ишонасизми-йўқми, ака-укаларимни чақириб ташландиқ, бузилиб кетган иморатлардан елкамда ғишт ташиб, лой қориб бино тикладик. Эски тунука, шифер териб келиб, устини ҳам ёпдик. Бу ишларга ундан харажат талаб қилинмади. Қурилиш битганидан кейин у иккита тандир олиб келди. Новвойхона ишга тушди. Сомсапаз уста дарров топила қолмади. Дўкон очилиши учун касса аппарати сотиб олишга "сармоядор"нинг пули етмади. Аммо новвойхонанинг фойдаси тезда кўзга кўриниб қолди. Нима жин уриб шеригимнинг феъли ўзгара бошлади. Аҳвол шу даражага бориб етдики, уйини ҳам бўшатиб бошпанасиз қолдик. Ўғлининг табиатини билганми, бир куни онаси менга: "Шунинг ўрнига ўзингга уй қурсанг бўлмасмиди" деган эди ачинганнамо.

Яратганга шукр, ишларим йўлга тушиб кетди. Ҳозирда бировдан кам, бировдан зиёд, баҳоли қудрат ишлаб юрибман. Лекин алданиш ҳам одат бўлиб қолар экан. Фирибгарлар содда, умуман танимаган одамни қандай бўлса ҳам топиб келаверишига қойил қолмай иложингиз йўқ.

Бурунги йилнинг охирлари эди. Бир киши келиб янги газета чиқараётганини айтиб, ёрдам қилишимни сўради. Маълумотномага ўхшаш чала-чулпа қоғозларга кўмиб ташлади. "Шуни мақола қилиш керак", дейди. Эртадан кечгача қошимда ўтириб мақола ёздиради, дам олиш кунлари ҳам тиним йўқ.

Бахтга қарши мен "Вақтим йўқ", "Қўлимдан келмайди", "Ишим кўп" деган сўзларни айтолмайман. Тарбиямиз шундай бўлса керак-да. Тунлари мижжа қоқмай, қисқа фурсатда газетанинг биринчи сонини тайёрлаб, саҳифаладик. Буюртмачининг наздида газета тайёр бўлгач, бизнинг ишимиздан камчилик топиб жанжал бошлади.

Ҳа, дарвоқе, у дам олиш куни ишлатаётганимга хижолат бўлганмиди ё меҳри тошиб кетганми, олтмиш минг сўмча пул берган эди. Шуни қайтиб беришимни сўради. Пулни қайтариб олгиси келиб, ҳар хил гапларни гапирарди-ю, лекин ўзини ноқулай ҳам сезарди. Уни ўнғайсизликдан чиқариш учун бундай дедим: "Сиз хижолат бўлманг, менга фириб бераётган бир сиз эмас. Алданавериб, кўникиб кетганман. Алданиш одат бўлиб қолган. Бу қисматимда бор, шекилли. Омонатингиз ишхонамда турибди, юринг қайтариб бераман. У ўзи келмай, бировни жўнатди...

Ҳар доим алданганимда қаттиқ изтиробга тушар, бунчалар соддалигим учун ўзимдан нафратланиб кетар эдим. Аммо менга ўзи бериб қўйган озгина пулни қайтариб олиш учун минг хил баҳоналар излаётган ўша одамни кузатар эканман, беихтиёр кўз олдимда олдинроқ фириб берган мунофиқларнинг ҳам қиёфаси жонлана бошлади: бири ноқулай жойда турганидек, олазарак сўрашади. Иккинчиси, ҳадеб ўша эски уйига таклиф қилаверади, учинчиси эса кўрмаганга олиб узоқлардан ўтиб кетади. Унга атайлаб қаттиқ тикиламан, оёқлари чалишиб кетади.

Халқимиз ҳар нарса ниятга боғлиқ, деб бекорга айтмаган. Ҳар бир ишда ҳар кимнинг ўз насибаси бўлар экан. Ундан ортиғини қанча "каромат" кўрсатсангиз ҳам ололмас экансиз. Бировнинг ҳақи барибир буюрмас экан. Дастлаб бирга ишлаган курсдошим савдомизни барбод қилганидан сўнг ишлари зўр бўлиб кетмади. Анча йиллар ўтиб, бир амаллаб бошпанали бўлди. Иккинчиси эса фақат новвойхонадан фойдаланиш билан чекланди, холос, сомсахона ва дўконни ишга тушира олмади. Чунки уларнинг бири бизнинг насибамиз бўлса, бошқаси иккаламизнинг ўртамизда бўлган. Учинчи бирга ишлаган танишим эса ном ҳам қозона олмади, юради шумшайиб, биров уни танимайди ҳам.

Шу воқеадан сўнг уларнинг ўрнига ўзимни қўйиб кўрмоқчи бўлдим. Аммо ҳозирги ўрним яхшироқ экан. Мен алдандим. Йўқотганим арзимаган дунё моли бўлди, холос. Бошқа ҳеч нарса, хусусан, виждон азобида қолмадим, бировларнинг олдида юзим қора бўлмади. Шу жиҳатларни ўйласам, алданиб қолиш унчалик ёмон эмас-у, алдаганларнинг ҳоли чатоқ экан. Чунки алдаган одам бутун умри давомида бирор нарсадан панд еса ёки иши юришмай қолса ёхуд оила аъзоларидан бирови бемор бўлса, дарров "Фалончини бир вақтлар алдаб норози қилувдим, шунинг оқибати бу" деб шумшайиб яшашга маҳкум экан.

Сухбатдошимизнинг гаплари ноўрин эмас. Алдов энг оғир гуноҳлардан бири сифатида муқаддас китобларда ҳам қораланади. Аммо ҳозирги пайтда ёлғон гапириш, одамларни чув тушириш айримлар учун бир ҳўплам чойни ичишдек гап бўлиб қолганига ачинаман.

Зеро, алдов жамият учун ҳам хатарли бўлиши билан бирга инсонни тубанликка етаклайдиган, унинг умрини зулматга айлантирадиган иллатдир.

Дамин ЖУМАҚУЛОВ

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

МУШОҲАДА

СЎЗ — КЎНГИЛ МУЛКИ

Қалб қўрини юрагидан чиқаётган сўзга жо қилиб эл-юрт ҳақида фикр айтиш ҳар бир адиб, шоир ва журналистнинг вазифасидир. Зеро, қоғозга тўкилган сўз шу қадар кучли бўладики, йиғлаб турган юракни аллалаб овутади. Жаҳл отига минган одамни яхшилик қўрғонига қайтариши мумкин. Айниқса, бу масалага журналистлар кўп эътибор қилишади. Чунки ҳар бир кашфиётнинг ўз салмоғи бўлгани каби ҳар бир сўзнинг ҳам тош босадиган юки бўлади. Газета ва журналларда чоп этилган мақолаларни мароқ билан ўқиб, ундан тегишли хулосалар чиқариш, тарбиявий аҳамиятини теран ва атрофлича англаш учун сўз ғўзаллигидан фойдаланилади. Агар сўзнинг жозибаси сизни ўзига оҳанграбо сингари жалб қилса, бундан қувонасиз. Худди ажойиб хушхабар эшитгандек кўнглингизда ҳузурбахш туйғулар уйғонади. Қаердадир ғализ жумлага ёки ўйламай ёзилган фикрга нигоҳингиз қадалса, унинг хунуклигидан дилингиз ранжийди. Кўча-кўйда сўзлашаётган одамларнинг гаплари алмойи-алжойи жаранглаcа, сўзга бепарволиги ва лоқайдлигидан дилингизга озор етади. Демак, ҳар бир сўзни ўйлаб гапириш инсоннинг хулқи ва маънавиятининг тўғри шаклланганидан деб ҳисобланади.

Сўз — кўнгил мулки. Уни бировга йўллащдан олдин қалбингизга қулоқ тутинг. Ҳеч қачон бир инсон ўз фикрлари билан кўпчиликнинг хатти-ҳаракатларини белгилай олмайди. Сўзнинг қадри эса ҳар қандай дур-у жавоҳирдан баланд турса турадики, асло паст эмас. Чунки сўзнинг қиммати айтилган кунидан бошлаб тинглаган одамнинг миясига қўрғошиндек жойлашади ва узоқ муддатгача хотирадан кўтарилмайди. Шу боис бировнинг кўнглини оғритган одамга нисбатан "бешафқат", "тошюрак" деган иборалар қўлланилади. Сўзнинг залвори ҳаёт кемасини қандай бошқариш лозимлигини ўргатади. Демак, бу соҳада оммавий ахборот воситаларининг роли беқиёсдир.

Қалам соҳиблари эса тинимсиз изланишда бўлади. Янгилик ва хабарлар оқими уларни бефарқ қолдирмайди. Кўпчилик нашрлар сингари "Пастдарғом ҳақиқати" газетаси ҳам туманимиз аҳлининг муаммолари ва ташвишларини бартараф этишда камарбаста бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган нашрлардан бири ҳисобланади. Бу борада кўпгина ибратли мақолалар, хабар ва лавҳалар, шеърлар ҳамда мулоҳазалар газета саҳифаларининг мазмундорлигини таъминлайди. Газетада фаолият юритаётган мухбирлар халқнинг қувонч ва ютуқларини саҳифаларга олиб чиқишни ўзларининг бурчи деб биладилар. Бу бурчни адо этиш эса газеталар саҳифасини безаётган фикрлар ранг-баранглиги билан ўлчанади.

Биз матбуот ходимлари ҳар куни турфа хил воқеалар ва янгиликларнинг қаймоғини азиз муштарийларимизга илинамиз. Ёзган мақолаларимиз газета саҳифаларига жойланади-ю, бошқалар кўнглига ҳарорат бағишлайди. Дарҳақиқат, сўз билан кўнгил овлаш буюк саодатдир.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ,
"Пастдарғом ҳақиқати"
газетаси муҳаррири
ўринбосари.

ЙЎЛЧИРОҚ НЕГА ИШЛАМАЙДИ?

ХУДУДИЙ НАШРЛАРДА

Йўлчироқ — инсон ва автомашиналарнинг тўғри ва бехавотир ҳаракатланишида муҳим восита ҳисобланади. Айтайлик, чорраҳада ўрнатилган светофорнинг қизил кўзи ёнишини кутиб турибсиз. Турнақатор бўлиб, шитоб билан келаётган турли транспорт воситаларига қараб, йўлнинг у томонига эсон-омон ўтиб олиш ҳақида ўйлайсиз. Шунда «йилт» этиб, йўлчироқ яшил кўзининг ёниши дилингизга аллақандай илиқлик бағишлайди. Мабодо йўлчироқ ишламай, йўлни кесиб ўтиш шарт бўлиб қолганда нима қиласиз?

Худди шу аҳвол шаҳримиздаги юқумли касалликлар шифохонаси олдидаги чорраҳада тез-тез кузатилаяпти. Бу ерда одам доимо гавжум бўлади. Бир кунда шифохонанинг ўзига бир неча минг киши кириб чиқади. Хўш, бунга ким айбдор? Светофорни электр энергияси билан мунтазам таъминлаб турувчи идора борми? Ёки машиналар ва йўловчилар хавфсизлигини назорат қилувчи мутасадди ташкилотлар буни нима учун эътибордан четда қолдирмоқда? Бу йўлчироқ қачон ишлайди-ю, ўғил-қизларини ишга, ўқишга жўнатган ота-оналар уйларида қачон хотиржам ўтиради? Аҳвол шу тариқа давом этаверса, бир кун келиб бу чорраҳада автоҳалокатлар содир бўлмаслигига ким кафолат бера олади?

София УЗОҚОВА
Кеш (Шаҳрисабз)
26.06.2009 йил.

БУ МАЙДОН ЎГАЙМИ?

Шундай фермер хўжаликлари борки, улар меҳнатининг натижаси кўринмаса, дарҳол об-ҳавонинг ноқулай келгани ёки бошқа важлар билан ўзларини оқламоқчи бўлишади. «Қоратоғ нур» муқобил машина-трактор парки ҳудудидаги "Кўбай бобо" фермер хўжалиги аъзолари бу йил 23 гектар ерда ғўза парваришламоқда. Бироқ 11 гектарлик даласини ўт қоплаганидан фермер Аҳрор Қаршиев умуман ташвишланаётгани йўқ. Биз ўша ўт босган майдонни бориб кўрдик. Очиғи, бу ерга чигит қадалганига ишонмайсан киши. Далани бошдан охиригача янтоқ, ажриқ сингари бегона ўт қоплаб олган. Суғорилаётган даланинг эгатларига ҳам сув бир текисда оқмаяпти.

Аҳрор Қаршиевнинг қўл телефонини топиб, қўнғироқ қилдик.

— Кечирасиз, мен олисроқда эдим, — деди у. — Сиз кўрган ўша далани ўтган йили "Аллаёр-Ёрқул" фермер хўжалигидан қўшиб олганмиз. Ернинг аҳволини ҳамма билади. "Бир йил амаллаб чидайсан", — дейишди «катталар»...

Фермернинг мақсадини тушунмадик. «Қўшиб олган ер менга дардисар бўлди» демоқчими?

Мақсуд МИРЗАЕВ
"Пахткор овози" (Жиззах)
15.06.2009 йил.

ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАР

Ҳар бир одам ўз она тили орқали халқининг тарихи, маданияти ва урф-одатларини ўрганади. Бошқа тилни ўрганган инсон эса ўша тилга мансуб элнинг маданияти ва урф-одатларидан хабардор бўлади. Шу ўринда бир афсонани эслаб ўтиш ўринли. Қадим замонда Грецияда таниқли мантиқшунос Ксанф яшаган экан. У бир куни ўз қули Эзопга меҳмонлар учун энг ноёб таом тайёрлашни буюрибди. Эзоп молнинг тилини сотиб олиб, ундан уч хил таом тайёрлабди. Ксанф ажабланиб, унинг бу ишини изоҳлашни талаб қилибди. Эзоп шундай изоҳлабди: "Эй, ҳожам! Тил ёрдамида илм ўрганамиз, бир-биримиз билан мулоқот қиламиз, ҳар хил муаммоларни ҳал қиламиз, дўстлашамиз. Тил ёрдамида шаҳарлар обод бўлади, халқларнинг маданияти ўсади".

Ксанф қулнинг жавобидан мамнун бўлибди. Бир муддат ўтгач, у яна қулига овқат тайёрлашни буюрибди. Бу гал энг ёмон таом ҳозирлашни айтибди. Эзоп бу гал ҳам тилдан овқат тайёрлаб, меҳмонларни ҳайратга солибди. У Ксанфнинг таом ҳақидаги саволига шундай жавоб берибди: "Дунёда тилдан ёмони йўқ. Тил ёрдамида бир-биримизни ҳақоратлаймиз, кўнглини оғритамиз, алдаймиз, жанжаллашамиз, айёрлик қиламиз. Тил одамларни бир-бирига душман қилади. Ёмон тил одамга алам ва азоб келтиради".

Дейдиларки, бир тилни билган — бир киши, икки тилни билган — икки киши. Одам қанча кўп тил билса, унинг имконияти ҳам шунча кўпаяди. Тил билиш орқали кўпроқ дўст, билим орттиради.

Дилроз АБРАЕВА
"Термиз оқшоми"
27.06.2009 йил.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ, ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ҳамда ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

ҲА-ЗИЛ

КИМГА ҚИЙИН?

Менга қара, болам, шу ерда ишлайсанми? Битта мулоҳазам бор эди. Ёшлар ҳақидада, нима ҳақда бўларди? Фақат мен айтавераман сен ёзаверасан, хўпми? Ҳа, яша. Бўлмаса ёзавер. Шу десанг, эрталаб кампир билан сал ғижиллашиб қолдик.

... Эрталаб нима, деди биласанми? "Ҳозирги домлаларда инсоф қолмади, неварамизгаям қийин", — дейди.

— Неварангга ота-онаси ойига юз минг сўмдан бериб турган бўлса, қиладиган иши институтга бориб келиш бўлса, нимаси қийин экан? Эртадан кечгача квартирасида ётгунча, бундай, кутубхонага бориб дарс тайёрласинчи, домласи тугул, ундан каттаси ҳам имтиҳондан йиқитолмайди. Ўзига иш ёқмайди-да бўларнинг, — дедим унга.

...Қаердан биласан? Нимага билмаслигим керак? Аниғини билмайман-у, тахминан, 60-йиллар эди. Ошна-оғайнилар билан Парижга бордик. Ўзиям "КамАЗ"да боргандик-да. Шунда битта француз биздан "қаерликсизлар", деб сўраб қолди. Унга бир амаллаб тушунтирмоқчи бўлдим. "Ўзбекистон", дейман, билмайди. "Тошкент", дейман, елка қисади. Ахири жаҳлим чиқиб, Чиялданман, деб юборганимни ўзим билмай қолибман. У бўлса, "О... че-ал" дейди тилини бураб.

...Кулма, латифа айтаётганим йўқ. Бўлган воқеа бу. Биласанми, нима учун бу гапларни айтаяпман? "Так што", дунё кўрган одаммиз-да, улим.

Ҳа, неварам ҳақида гапираётувдим-а. Ўзи бизди невара мактабда ҳам аранг учга ўқирди. Отаси тушмагур, йўлини топиб, уни ўқишга киритибди. Мана, уч йил бўлди, ўқияпти. Ҳар олти ойда сессияга пул беринг, ота, деб келиб ўтиради. Ўша катта шаҳарда, катта ўқишда ўқиётган неварамнинг укаларига ачинаман. Уларга қийин, акаси ўқиётгани учун уларнинг ризқи қийилаяпти.

Бир куни ўша бўлажак олимни роса уришдим. Ҳой, дедим, ўзингни, ота-онангни ўйламасанг ҳам, укаларингни ўйла, дедим, қаттиқ-қаттиқ гапирдим. У бўлса нима қилай, бобожон, билсам ҳам барибир йиқитади, дейди. Агар, билсанг, қандай қилиб йиқитади, нодон, дейман ичимда.

Ўзинг ўйла, улим. Қандай қилиб, ўқисаям баҳо қўймаслиги мумкин? Неварам айтган ўша домлаларнинг биркитасини мен ҳам танийман. Биттаси, масалан, мендан беш класс паст ўқирди. Болалигида алифни калтак деб юрарди. Агар ўша домла сени йиқитаётган бўлса ўзингдан хафа бўл, дедим неварамга.

Тўғри-да, домулласи ўқиган даврда компьютер бормиди? Интернат, йўғ-е, интернет деган нарса унинг тушига ҳам кирмаган. Шундай шароитда ўқиб ҳам ҳозирги ёшлардан эўр чиқибдими, талабалар аввало ўзидан хафа бўлсин. Домлаларни тинч қўйсин.

Хуллас, айтадиган гапларим шу. Тагига Абдусаттор бова, деб ёз. Фамилиямни нима қиласан? Қишлоққа борсанг, ҳамма танийди. Мен ҳамма гапимни айтдим. Буёғини ўзинг келиштир-и-и-б ёзарсан.

Абдусаттор бованинг
"мақола"сини
Элбек ЖУМАНОВ
оққа кўчирди.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ТУБАНЛИК

Кенг ястанган далалар бир қарашда сокин ва бехавотир кўринса-да, аммо улар қанчаданқанча воқеаларга гувоҳ бўлмаган, дейсиз.

Ўтган йилнинг 7 августида Сирдарё вилояти Боёвут тумани ҳудудидаги канал ёқасидан танасидан жудо қилинган аёл кишининг калла суяги топилди. Қотиллик 10-15 кун олдин содир этилгани номаълум шахсга тегишли бошнинг дайди итлар томонидан ғажиб кетилганидан ҳам кўриниб турарди. Бироқ, юз терисининг бужмайиб ёпишиб қолгани унинг қуйдирилганини ҳам билдирарди. Ушбу ҳолат юзасидан дастлаб вилоят ИИБга, сўнг вилоят ва шаҳар прокуратураларига зудлик билан хабар қилинди. Воқеа жойига етиб келган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, жиноий воқеани ўрганиш, марҳумнинг жинси, ёши ва ўлдирилган ҳолатини аниқлашни бошлаб юбордилар.

Вилоят прокуроринг махсус топшириғига биноан алоҳида махсус тезкор-тергов гуруҳи тузилиб, номаълум шахснинг танасини қидириб топиш, шахсини аниқлаш, жиноятчиларни зудлик билан қўлга олиш чора-тадбирлари белгиланди. Калла суяги 17-20 ёш атрофидаги қизга тегишли, марҳума аввал ўлдирилиб, сўнгра юз терисига сирка кислотаси сепиб қуйдирилган, деб хулоса берди эксперт-лар орадан бир неча соат ўтгач.

Аввало, Сирдарё вилояти бўйича бедарак йўқолган, барча 17-20 ёшдаги қизларнинг шахси ўрганила бошланди. 8 августга ўтар кечаси эса Ширин шаҳри билан Боёвут тумани туташ жойидаги зовур ичидан бошсиз мурда топилди. Танада номусга тегиш билан боғлиқ ҳеч қандай зўрлаш аломатлари сезилмасди. Экспертиза бошсиз мурданинг 17-20 ёшлар атрофидаги аёлга тегишлилигини маълум қилгач, илгари топилган калла суяги айнан шу тананики эканига ҳеч қандай шубҳа қолмади. Марҳумага нисбатан зўрлик ишлатилмаган бўлса, унда ёшгина аёлни бу қадар шафқатсиз ўлдириш кимга ва нимага керак бўлди экан? Мурданинг танасида қонталаш ёки шилинган, тимдаланган ҳеч қандай жароҳат излари ҳам йўқ эди..

Табиий савол туғилади: не сабабдан ёш аёл ўлдирилган? Қандай қилиб бу қадар шафқатсизлик содир этилган бўлиши мумкин? Эҳтимол, жувон бошқа ерда ўлдирилиб, кейин зовур ичига ташлаб кетилгандир? Бироқ, воқеа жойидаги қон доғлари бу гумонни инкор этмоқда эди.

* * *

Юлдашева Ибодат қўққисдан кириб келган милиция ходимларини кўриб довдираб қолди.

— Гулҳаё Бойматова сизнинг қизингизми? — сўради улардан бири.

Ўн кундан буён ҳеч қандай хабарсиз ғойиб бўлган қизи ҳақида милиционернинг уни сўроққа тутиши онани тамомила довдиратиб қўйди.

— Ҳа, менинг қизим, — жавоб қилди у.

— Қизингиз йўқолган экан, шу ростми?

— Ҳа, рост, қизимни топдингларми? — кўзига ёш айланди онанинг.

— Ўзингизни босинг, илтимос ҳаяжонланманг. Яқинда бир қизни топдик, суратини олиб келгандим, кўринг-чи, у қизингиз эмасми? — деди милиционер қўлидаги бошнинг суратини кўрсатиб.

Ибодат Юлдашева азбаройи ҳаяжонланганидан қалтирарди. "Қизимни ўлдиришдими?" деб бир сўзни такрорлаганча тинмай йиғларди.

— Очиғи, уни танимаяпман, қизимни чақирай, у ҳам бир кўрсин, — деди аёл.

Мадина ойисининг қўлидаги суратга яхшилаб разм солди.

— Ойи, опамни зирагидан танидим, бу ўша, менинг опам, — деди Мадина.

...Ибодат ёнма-ён яшовчи қўшниси Норбуви опаларникига кечки соат ўнлардан сўнг авзойи бузилган ҳолда кириб келди.

— Ўғлингиз Фурқат қани, тез менга топиб беринг, — талаб қилди аёл.

— Тинчликми, нима гап, тушинтириброқ гапиринг, — сўради Норбуви опа.

— Буни ўғлингиздан сўранг, қани у, чақиринг уни.

— Ўғлим Жиззахга акасини кўргани касалхонага кетувди, — деди аёл.

— Бўлмаган гап, мен уни бугун кечкурун ҳам кўргандим, — таъкидларди аёл.

— Ишонмасангиз, ичкари хонаналарни кириб кўринг, ўғлим ҳали келмади.

* * *

Гулҳаёнинг оёқ босиши кейинги пайтларда сал бошқачароқ бўлиб қолди. Буни биринчи бўлиб онаси Ибодат опа сезди. Сабабини билолмагани боис қизига тузукроқ танбеҳ беролмаган эди.

Қўшниси, уч нафар фарзанднинг отаси Фурқат уларнинг ҳовлисига тез-тез мўралайдиган бўлиб қолгани онанинг шубҳалари бежиз эмаслигини исботлади.

— Сенгина ўлгурни дадангга айтиб таъзирингни бермасамми. Келиб-келиб шу эркак билан учрашиб юрибсанми?.. Кўрганлар нима дейди. Шундоққина тумшуғинг оскки, ҳали ҳаётий тажрибаси йўқ содда қиз бу ваъдаларга ишонарди.

... Фазилат турмуш ўртоғининг ёшгина қизга илакишиб қолганини сезиб юрарди. Эри билан бу ҳақда гаплашганда, Фурқат табиийки ҳаммасини инкор этди, фарзандлари ва оиласи унинг учун муқаддаслигини тинмай таъкидларди.

Бироқ, Ибодат опанинг бир неча марта уларникига жанжаллашиб келгани Фазилатнинг эри чиндан ҳам қўшни қиз билан пинҳоний учрашиб юришини исботлади.

* * *

— Қизимни топиб берларинг, акс ҳолда ҳаммангни қаматиб юбораман, — дўқ-пўписа қилиб тидаги қўшнинг билан учрашасанми, ифлос, — қизини қойий кетди она.

— Ойи, мен у билан учрашаётганим йўқ, — ўзини оқлади қиз.

— Ўчир овозингни, унинг хотин, бола-чақаси бор, шуни билиб туриб тағин у билан учрашиб юрибсанми?!

Онани жаҳлидан туширишнинг иложи йўқ эди. У ниҳоятда асабий ҳолатда гапирарди.

* * *

Гулҳаё эндигина 17 ёшда бўлишига қарамай дуркунгина кўринарди.

Фурқат ён қўшнисининг бу қизи билан аввалига кўз уриштирадиган, кейинчалик яширинча учрашадиган бўлди. Бу учрашув Гулҳаёнинг ўз хоҳиши билан бўлгани боис, ота-онанинг қойишлари, тергашлари қизга заррача таъсир қилмасди.

— Ойим муносабатимиз ҳақида билиб қолган кўринади, мени дадамга айтиб бир неча бор калтаклатди, — деди қиз Фурқат билан бўлган навбатдаги учрашувларнинг бирида.

— Сен ҳеч нарсадан хавотирланма, мен сенга уйланаман, қўрқма, ўзим ҳаммасини тинчлантираман, — дерди Фурқат қизни бағрига босиб.

Гулҳаё йигитнинг гапларига чиппа-чин ишонарди. Айниқса, унинг уйланиш ҳақидаги сўзлари гўзал туйғулари билан шу қадар ўхшаш эдиди.



келди Ибодат опа яна.

— Нега нуқул қизингизни бизникидан қидирасиз, тарбияни "қойиллатиб" қўйганингиз учун ҳам қизингиз тез-тез уйидан қочиб кетаяпти. Мақсадингиз нима ўзи, ўғлим ва унинг оиласини бузишми? — қойиб берди Норбуви опа.

Икки қўшни аёл анчагача жанжаллашди.

— Мен ҳозир прокуроргa бораман, сени ҳам, эрингни ҳам, ўша такасалтанг ўғлингни ҳам қаматмасамми?! — таҳдид йўлига ўтди Ибодат опа ва тўғри туман ички ишлар бўлими томон йўл олди.

* * *

2008 йил 27 май куни Ибодат Юлдашева Пахтакор туман прокурори номига 14 май куни уйдан чиқиб кетганча қайтиб келмаган қизи Гулҳаё Бойматовани топишда ёрдам беришни сўраб, ариза билан мурожаат этади. Қизининг қочиб кетишида ва уни яшириб қўйилганида қўшниси Фурқат Ҳазратқуловдан гумонсирашини маълум қилган эди.

2008 йил 14 майдан буён куёви Анвар Бўриевнинг Жиззах тумани Шариллоқ қишлоғидаги уйида ўғли Фурқатнинг 1990 йилда туғилган Гулҳаё Бойматова билан никоҳсиз, ота-онасидан яширин равишда яшаб келаётганидан хабар топган Асил ота прокуратура ва милиция ходимларига гарчанд ўзини ҳеч гапдан хабарсиздек қилиб кўрсатса-да, аммо бу ғалвадан қутулиш йўлларини қидира бошлади.

Анвар қутилмаганда уникига келган қайнотасини очиқ чеҳра билан қутиб олди.

— Бу қиз бошимизга битган бало бўлди, уни бир ёқлик қилмасак, ҳаммамиз жиноий жавобгарликка тортиламиз, — деди қайнота. — Онаси прокуроргa бизнинг номимизни ёзиб берибди.

Анварнинг ранги оқарди. 2008 йил 27 июль куни Асил Ҳазратқулов ўғли Шавкат, куёви Анвар Бўриев билан жиноий тил бириктириб, Гулҳаёни ўлдиришга келишадилар. 68 ёшли Асил Ҳазратқулов бошчилик қилаётган жиноий ишни ҳеч ким улардан шубҳаланмайдиган даражада профессионал тарзда бажариш мақсадида дўкондан бир шиша сирка кислотасини сотиб олади. 68 ёшли қария ёш қизни қай тартибда ўлдиришни аллақачон режалаштириб қўйган эди.

— Сизлар ёнимда бўлсанглар бўлди, қолганини ўзим эплайман, қариб қолганим боис унга кучим етмаслиги мумкин, қочиб кетса ушлаб берасизлар. Сирка кислотасини сепиб, кейин ўлдираман, — деди қария.

Шу куни Гулҳаёга уни онаси қидираётганини айтиб, қўрқитишади. Бекобод шаҳридаги қариндошиникига яшириб қўйишмоқчиликларини айтишади.

Ота-онасининг қўлига тушишдан қўрққан Гулҳаё бу таклифга рози бўлади. Улар анча муддат яёв юриб, тинкалари қуриб мадорсизланади.

— Чарчадик бир оз дам олмасак бўлмайди, — деди Асил Ҳазратқулов. Қалин қамиш ўсиб ётган зовур Гулҳаёнинг чарчаган кўзларига пар ёстиқдек кўринди. У зовур ичига тушиб чўзилиб олади.

Гулҳаёнинг ухлаб қолгани ҳамда ўз ҳаётига қилинаётган тажовузга қарши ҳаракат қилиш имкониятидан махрум эканидан фойдаланиб, 2008 йил 30 июль куни тунги соат тўртларда Анвар қайнотаси Асил Ҳазратқулов буйруғига асосан Гулҳаёнинг оёқлари устига ўтириб, сон қисмидан қўллари билан ушлаб туради, набокор А.Ҳазратқулов эса қизнинг бўйин қисмига пичоқ билан бир неча бор санчади...

Тергов жараёнида воқеа жойидан топилган далилий ашёлар, марҳума танасидаги бармоқ изларини ушбу ўта оғир жиноят айнан А.Ҳазратқулов ва унинг куёви А.Бўриев томонидан содир этилганини исботлади.

Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг ҳукмига биноан 1940 йилда туғилган, 8 нафар фарзанднинг отаси, муқаддам судланган Асил Ҳазратқулов ва 1982 йилда туғилган, икки нафар фарзанднинг отаси Анвар Бўриевлар узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этилди.

* * *

Бу даҳшатли воқеа ҳар қандай кишини оғир ўйга солади. Наҳотки, ўз қилмишини хаспўшлаш учун инсон шу қадар ёвузлик қилишгача борса? Бундай оғир жиноятга қўл урганлар ҳар қандай тубанликдан қайтмайдиган виждонсиз, иймони куйган кимсалардир.

Фахриддин ЖАМОЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси
катта прокурори,
Нилуфар ЖУМАЕВА,
журналист.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ТАЪЛИМ

ИСТЕЪДОДЛИ ЎҚУВЧИЛАР ФАХРИМИЗ

Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармасида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», ҳукуматимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»да белгиланган вазифаларнинг босқичма-босқич бажарилишига эришиш учун бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, умумтаълим мактабларида иқтидорли, қобилиятли ва фидойи ўқитувчиларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ноёб фазилатларини ривожлантириш, ўқувчиларга давлат таълим стандартлари талаблари ва ўқув дастурлари асосида белгиланган билим, кўникма ва малакаларни синдиришларини таъминлаш, ўқитувчиларнинг касб-маҳоратини ошириб боришда кенг қамровли ишлар олиб борилаётир.

Бугунги кунда вилоятда 1220 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, уларда ёшларнинг пухта билим олиши учун 53 455 нафар ўқитувчи турли фанлардан сабоқ бериб келмоқда. Жорий йилда вилоят бўйича 6 та янги мактаб қурилди. 70 та мактабда капитал реконструкция, 64 та таълим масканида эса капитал таъмир, шунингдек 62 та мактабда жорий таъмирлаш ишлари кўзда тутилган. Келтирилган ушбу рақамларнинг ўзиёқ юртимизда таълимга берилаётган эътиборнинг нечоғли юқори поғонага кўтарилганидан далолат беради.

— Жамоамизда ички имкониятлардан фойдаланиб, таълим самарадорлигини кўтаришга хизмат қиладиган таъсирчан тадбирларни амалиётга татбиқ этмоқдамиз, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Юсуфхон Муҳаммадиев. — Жумладан, «Дарс мавзуларини ҳаётий мисоллар билан боғлаб ўтказиш — менинг услубим» лойиҳаси асосида ўқувчиларнинг фанларга қизиқишларини ошириш, эгаллаган билимларини амалиётда қўллаш малакасини ривожлантириш учун 2008-2009 ўқув йилида кимё, биология, физика фанларидан ўзлаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида танлов эълон қилиниб, ғолиб иштирокчилар томонидан яратилган ҳаётий мисоллар тўпламини кенг ўқитувчилар жамоасига методик қўлланма сифатида фойдаланишлари учун етказиш кўзда тутилганди. Танлов ўтган йилнинг август ойида эълон қилинган бўлиб, 2009 йилнинг апрель ойида якунланди. Унга ёши, малакаси ва тажрибасидан қатъи назар барча умумтаълим мактаблари ўқитувчилари якка тартибда ёки ижодий гуруҳ бўлиб жалб этилган. Мазкур танлов орқали ўқувчиларнинг фанларга қизиқишини орттириш, давлат таълим стандарти талабларига асосан зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга кўмаклашиш мақсад қилиб белгиланган. 2008-2009 ўқув йилида барча умумтаълим мактабларининг битирувчилари орасидан иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни аниқлаб, уларни қўллаб-қувватлаш, ноёб фазилатлари ва ҳамжиҳатлик хислатларини ривожлантириш таъминланди.

Бундан ташқари мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида вилоятдаги мусиқа ва санъат мактабларида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, мавжуд 34 та болалар мусиқа ва санъат мактабларидан 17 тасини янгидан қуриш, 9 тасини капитал реконструкция қилиш режалаштирилган.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, вилоятда таълим соҳасида қилинаётган ишлар эътирофга молик. Масалан, 2007-2008 ўқув йилининг якуни бўйича ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, ўқувчилар таълим тайёргарлигининг давлат таълим стандартлари талабларига мослик даражаси 74,3 фоизни ташкил этгани ҳам фикримизнинг тасдиғидир. Амалга оширилган ишлар натижаси ўлароқ, самарқандлик ўқувчи-ёшлар республикамизда ўқувчилар ўртасида ўтказилган умумтаълим фанлари олимпиадасида 2-ўрин, Гулистонда бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» республика спорт мусобақасида фахрли 4 ўринни қўлга киритишди.

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
«Hurriyat» мухбири.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ИШОНЧ ВА ЭЪТИРОФ

бу сифатларни "Алоқа" банкнинг Бухоро вилоят филиали фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин

Акциядорлик тижорат "Алоқа" банкнинг Бухоро вилоят филиалида аҳолининг бўш маблағлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини банк омонатларига, айниқса, муддатли депозитларга жалб қилиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, йилдан-йилга омонатга қўйилаётган ва депозитга жалб этилаётган маблағлар миқдори кўпайиб бормоқда.

Масалан, банк филиалида 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, жами омонатлар қолдиғи 1415,6 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йилнинг таққосланаётган даврига нисбатан 699,8 миллионга ошган. Жами омонатлар режага нисбатан 100,1 фоизга бажарилди. Яъни режа 1413,1 миллион сўм белгиланган бўлса, амалда бу кўрсаткич 1415,6 миллион сўмни ташкил қилган.

Молия муассасасида 21 омонат тури мавжуд бўлиб, Бухоро филиалида шундан 13 тури бўйича омонатларга маблағ жалб қилинди. Жумладан, "Алоқачи" омонати бўйича 5 та жисмоний шахсдан 10,1 миллион сўм, "Орзу" омонати бўйича 21 та жисмоний шахсдан 50,8 миллион сўм, "Коммунал плюс" омонати бўйича 4 та жисмоний шахсдан 1,5 миллион сўм, "Ниҳол-3" омонати бўйича 10 та жисмоний шахсдан 27,7 миллион сўм қабул қилиб олинди.

Айни пайтда банк филиали тасарруфида 37 та терминал мавжуд бўлиб, улардан алоқа ташкилотларида 8 та, савдо шохобчаларида эса 29 таси хизмат кўрсатмоқда.

Энг асосийси, терминаллар билан ишлаш ҳажми ҳам ортиб бораяпти. Масалан, улар орқали 2009 йил 1 январь ҳолатига жами 247,2 миллион сўмлик пул айланмалари амалга оширилиб, шундан 163,1 миллион сўми савдо терминали орқали ўтган. Шу билан бирга ўтган йилнинг тўртинчи чорагида жами 133,4 миллион сўмлик пул айланмалари терминаллар орқали амалга оширилиб, шундан 61,1 миллион сўми савдо терминаллари орқали амалга оширилди.

Умуман "Алоқа" банкнинг Бухоро филиалида 600 та мижозга сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Ўтган йил давомида халқ хўжалигининг барча тармоқларига ажратилган кредитлар миқдори 607,1 миллион сўмни ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2007 йил билан таққосланганда бир неча юз миллион сўмга ошганлигини кўриш мумкин. Кредит маблағлари мулк шаклидан қатъи назар турли хўжалик юритувчи субъектларга берилиб, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Энди жорий йилнинг ўтган 6 ойлик якунларига эътибор берайлик. Ҳаммаси бўлиб, 3400,5 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган бўлиб, улар халқ хўжалигининг турли соҳаларига йўналтирилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1232,9 миллион сўм кўпдир.

Шу билан бирга, молиявий муассаса ўз мижозларига турли хил манфаатли банк хизматларини ҳам кўрсатиб келмоқда. Энг асосийси хизматлар сифати ошиб бораяпти. Хусусан, ўтган йили кичик бизнес субъектларига 360 миллион сўм, давлат ташкилотларига эса 450 миллион сўм лизинг хизмати кўрсатиб, Белоруссиядан "МАЗ" русумли 9 та юк автомашинаси харид қилинди. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор берилиб, бир неча юз миллион сўм кредит ажратилди.

Шунингдек, ўтган йил давомида банкда миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, пул муомаласини мустаҳкамлаш, нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида банкка 16207786 сўм нақд пул қабул қилинди.

Жорий йилда ҳам бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2005 йил 5 августдаги "Банклардаги депозит ҳисоб варақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги қарорида тижорат банкларига биринчи навбатда нақд пул маблағларига бўлган талабни қондириш вазифаси юклатилган. Ушбу қарор асосида банк филиалида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

АТ "Алоқа" банкнинг Бухоро филиали томонидан мижозлар сонини кўпайтириш, уларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида шаҳарнинг савдо нуқталари кўп жойлашган ҳудудларида мини банклар ҳам ташкил қилинмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг учинчи чорагида "Самоний мини банки" очилиб, мазкур мўъжаз молиявий шохобча орқали юзлаб мижозларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, АТ "Алоқа" банкнинг Бухоро вилоят филиали ишончлилиги билан энг яхши молия муассасаси сифатида эътироф этилган. Банк жамоаси ўз олдига янги режаларни, улкан мақсадларни вазифа қилиб қўйган. Зеро, ишонч, эътибор янги чўққиларга, янги натижаларга ундайди.

Норқул МАЪМУР,
"Hurriyat" мухбири. ®

ДАРАКЛАР

БМТ қоралади

Маълумки, 4 июль куни Корея Халқ Демократик Республикасида навбатдаги ракета синови ўтказилди. France-Presse хабарига қараганда, бир йўла еттита яқин масофага учувчи ракеталар синаб кўрилган. Бундан икки кун олдин тўртта ракета синовдан ўтказилган эди. Расмий Пхеньяннинг бу ҳаракати жаҳон ҳамжамиятида, биринчи навбатда қўшни мамлакатларда хавотир уйғотмоқда.

Куни кеча Японияннинг талаби билан БМТ Хавфсизлик Кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда КХДРнинг ракета синови муҳокама қилинди. ХК аъзолари бир овоздан бу синовларни қоралади. Ҳозирда КХДРга нисбатан санкция эълон қилинган бўлиб, ушбу мамлакатга қурол сотиш тақиқлаб қўйилган.

Танкер гаровга олинди

Associated Press тарқатган хабарда айтилишича, Нигер дельтасини озод қилиш ҳаракати жангарилари кимёвий маҳсулотлар ташийдиган танкерни гаровга олишган. Кема бортида уч нафар Россия, икки нафар Филиппин ва бир нафар Ҳиндистон фуқароси бор. Жангарилар ҳозирча ҳеч қандай талаб қўйишгани йўқ. Siehem Peace танкери мамлакат жанубида гаровга олинган.

Нигер дельтасини озод қилиш ҳаракати жангарилари мамлакат нефть ва газ тармоғини национализация қилиш тарафдорлари бўлиб, мунтазам равишда чет эл фуқаролари ва кемаларини гаровга олиш билан шуғулланади. 2006 йилдан буён улар 200 га яқин нефть ва газ компанияларида ишлайдиган ишчиларни ўғирлашган. Натижада шу давр ичида минтақада нефть қазиб олиш 20 фоизга камайиб кетди.

Ширнакда террорчилик

Туркиянинг Ширнак музофотида террорчилик амалга оширилди. Йўл четига қўйилган мина ишчилар ўтирган юк машинаси ўтаётган пайтда масофадан туриб портлатилган. Ушбу хунрезлик натижасида тўрт ишчи ҳалок бўлди, тўққиз киши тан жароҳати олди. Врачларнинг қайд этишларича, жароҳатланганларнинг аҳволи қониқарли.

Ҳозирда Ширнакда террорчиларни тутиш бўйича махсус амалиёт бошланди. Туркия ҳукумати вакилларининг фикрига кўра, бу хунрезликни Курдистон ишчи партияси аъзолари амалга оширишган.

Эслатиб ўтамиз, Курдистон ишчи партияси Туркия, АҚШ ва ЕИ томонидан террорчилик ташкилоти, деб эълон қилинган. Расмий Анқара ва Курдистон ишчи партияси ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли Туркияда шу кунгача 45 минг аҳоли ҳалок бўлди.

Келишмовчиликларни ўзлари ҳал этмоқчи

Ироқ ҳукумати матбуот котиби Ирака Али ал-Даббах ҳукумат вакиллари номидан сўзга чиқиб, АҚШ раҳбарларидан мамлакатдаги конфессиялар ўртасидаги келишмовчиликларга аралашмасликни талаб қилди. У кутилмаганда Ироққа келган АҚШ вице президенти Жо Байденга мурожаат қилар экан, ушбу талабни президент Барак Обамага ҳам етказишни сўради.

Али ал-Даббахнинг таъкидлашича, четдан аралашув конфессиялар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштиради, холос. «Барча келишмовчиликларни биз ўзимиз ҳал қиламиз», деди у.

Бундан сал олдинроқ Обама Байденга АҚШ ҳарбийларининг Ироқдан чиққунига қадар мамлакатдаги диний конфессиялар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этишда маҳаллий ҳукуматга ёрдамлашишини топширган эди.

Савдо-сотиқ юанда бўлади

Хитой ҳукумати Гонконг ва Индонезиянинг бир неча фирма ҳамда компанияларига ўзаро ҳисоб-китобларни юанда амалга оширишга рухсат берди. Бу ҳақда The New York Times хабар тарқатди. Газетанинг ёзишича, бу иш валютани алмаштириш билан боғлиқ харажатларни бирмунча камайтиради.

Хитой ҳукумати вакилларининг таъкидлашича, савдо-сотиқнинг юанда амалга оширлиши маҳаллий компанияларга бизнес ҳажмини оширишга хизмат қилади. Эслатиб ўтамиз, расмий Пекин сал аввалроқ Аргентина ва Белорусь билан ҳам доллар ва евросиз савдо қилишга келишиб олган эди.

1,68 миллион долларлик тушлик

АҚШлик инвестор Уоррен Баффет билан тушлик қилиш учун ким ошди савдоси бўлиб ўтди. Унда бунинг учун 1,68 миллион доллар тўлашга рози бўлган киши ғолиб деб топилди. У номини ошкор этишни истамади.

АР хабарига қараганда, Баффет ҳар йили шундай кимошди савдоси ташкил қилади. Ўтган йилдаги ғолиб бу йилги ғолибга қараганда ярим миллион доллар кўп пул тўлаган эди. Савдодан тушган маблағ Сан-Францискодаги уйсизлар ва камбағалларга ёрдам кўрсатадиган Glide хайрия жамғармаси ҳисобига ўтказилади.

Berkshire Hathaway холдинг компанияси директорлар кенгаши раиси ва ижрочи директори Уоррен Баффет ўзининг хайрия тадбирлари билан машҳур. У ўз жамғармасидаги 36 миллиард долларлик бойлигини аста-секин бешта хайрия ташкилотига бўлиб бермоқчи.

ҚУРОЛСИЗЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

(Бошланиши 1-бетда.)

Матбуот хабарларига қараганда, учрашув чоғида икки давлат раҳбарлари кўплаб масалаларда ҳамфикр ва ҳамжиҳат экани маълум бўлган. Дастлаб икки президент ўзаро, кейин делегациялар таркибида музокаралар олиб боришди. Учрашув сўнггида Д.Медведев ва Б.Обама оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Стратегик ҳужум куролларини қисқартириш тўғрисидаги шартноманинг имзоланишини учрашувда эришилган энг катта ютуқ, деб баҳолаш мумкин. Зеро, бугун икки давлат ҳудудида дунё ядро куролларининг 95 фоизи тўпланган. Бундан ташқари, АҚШ ва Россия ўртасидаги келишмовчиликлардан фойдаланган бошқа давлатлар ҳам ўз ядро куролига эга бўлишга интилмоқдалар. Энг хатарлиси, бугун ушбу оммавий қирғин куроли турли экстремистик, террорчилик гуруҳларининг қўлига тушиб қолиш хавфи ортиб бораяпти.

Матбуот анжуманида бу ҳақда гапирар экан, Россия президенти Яқин Шарқ ва Корея ярим оролидаги ядро куролига боғлиқ вазият тобора кескинлашиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Барак Обама эса Эроннинг ўз ядро куролига эга бўлиши нафақат минтақа, балки бутун дунё тинчлигига хавф эканини қайд этди.

Афғонистон бугун дунёнинг дардига айланган. Мана бир неча йилдирки, бу мамлакат ҳудудида АҚШ раҳбарлигидаги коалицион кучлар толибларга қарши кураш олиб бормоқда. Лекин вазият ўнгланиш ўрнига тобора кескин тус олаяпти. Бундан ташқари, Афғонистонда гиёҳванд моддалар етиштириш ва уни дунёга тарқатиш йилдан-йилга авжига чиқаяпти. Энг ачинарлиси, бу жафокаш ўлка дунё террорчиларининг марказига айланиб қолди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бугун Россия ҳам террордан катта зарар кўрмоқда. Шимолий Кавказда террорчилик ҳаракатларини олиб бораётган жангариларнинг асосий қисми араб давлатлари ва Афғонистонда тайёргарликдан ўтмоқда. Шундай экан, Афғонистонда вазият изга тушишидан қўшни давлатлар қатори Кремль ҳам манфаатдор. Россия — АҚШ раҳбарларининг олий даражадаги музокаралари чоғида ушбу масала ҳам кун тартибига қўйилди ва ҳар икки томон ҳам бундан манфаатдор экани таъкидланди. Ўзаро келишувга биноан энди Россия ҳудуди АҚШдан Афғонистонга ташиладиган ҳарбий бўлмаган юклар учун транзит вазифасини бажаради.

АҚШ раҳбари бу масалада гапирар экан, коалицион кучлар Россия ҳудуди орқали ҳарбий юкларни ҳам ташишдан манфаатдор эканини қистириб ўтган бўлса-да, Медведев бу масалага гўё эътибор бермаган бўлди. Гап шундаки, АҚШ ва НАТО кучлари шундай ҳам РФ ҳудуди яқинига жойлашиб бўлишган. Бунга сўнгги йилларда НАТОнинг собиқ шўролар республикалари ҳисобига кенгайиши ва Қирғизистоннинг "Манас" аэропорти яқинидаги ҳарбий базани мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, ўтган ойда шундайгина Россиянинг биқинида, яъни Грузия ҳудудида Шимолий Атлантика блоки қўшинларининг ҳарбий машқлари бўлиб ўтди. Буларнинг бари расмий Кремлни ҳушёрликка чорлаши табиий.

Албатта, ҳамма масалада ҳам бир хил қарорга келинди, деб бўлмайди. Чунки совуқ уруш давридаги даражага етган муносабатларни бирдан йўлга қўйиш осон кечмайди. Бундан ташқари, ҳар бир мамлакат бирор масалага ўз манфаатидан келиб чиқиб муносабат билдирар экан, қарашлар турлича бўлиши табиий. Матбуот анжуманида Барак Обама Грузия масаласида бир қарорга кела олмаганини, нима бўлганда ҳам АҚШ Грузия ҳудудининг яхлитлиги тарафдори эканини таъкидлади. Россия томони эса Шарқий Европа ҳудудига АҚШ томонидан ракета ҳужумига қарши тизим ўрнатилиши Россия хавфсизлигига таҳдид эканини яшириб ўтирмади.

Хуллас, РФ ва АҚШ раҳбарлари учрашуви чоғида айрим масалаларда қарашлар хилмахиллиги мавжуд бўлса-да, жаҳондаги глобал муаммоларни ҳал этишда икки томоннинг ҳамфикр экани аён бўлди. Демак, дунё тинчлиги ва ҳамжиҳатлиги йўлида яна бир муҳим қадам ташланди.

Интернет хабарлари асосида Азиз АЛЛАБЕРДИЕВ тайёрлади.

СУҲБАТ

ХИВА — ЮРТИМИЗ ГАВҲАРИ

Хивани очиқ осмон остидаги музей деб таърифлашади. Бу қадим шаҳарнинг кўкка бўй чўзган миноралари, маданий-маърифий ёдгорликлари юртимиз фахри-ифтихори десак, янглишмаймиз. Мустақиллик туфайли бу маскан янада ривож топди, қадр кўрди. Туман ҳокими Давронбек ОЛЛАҚУЛИЕВ билан суҳбатимиз мавзуси ҳам ўз-ўзидан Хива шаҳрининг тарихи, истиқлол туҳфа этган имкониятлар ҳамда бугун туманда амалга оширилаётган улкан ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари хусусида бўлди.

— Давронбек Сафоевич, Хива шаҳрининг пайдо бўлиши тўғрисида турли тахминлар, афсоналар тилдан-тилга кўчиб юради...

— Тўғри айтдингиз. Ҳақиқатан ҳам бундан 2500 йил муқаддам тарихий битикларда тилга олинган Хива шаҳрининг вужудга келиши тўғрисида жуда кўп тарихий манбалар мавжуд. Бу ҳақда араб тарихчиси ал-Мақдисий шундай деб ёзади: "Хива шаҳри ва унинг атроф мавзелари шинам, обод ва кўркамки, у Амударёдан қазиб чиқарилган Хейконик каналидан сув ичади". Яна бир ривоятга кўра, Хиванинг қадимги қисми — Ичонқалъа жойлашган маскан илгарилари дашту саҳро бўлган экан. Саҳро орқали қадимда Буюк Ипак йўлининг Марв — Урганч тармоғи ўтган бўлиб, карвонлар йўлида Хивак деб аталган ширин сувли қудуқ бунёд этилган. Карвонда келаётган савдогарлар унинг ширин сувидан ичиб, роҳатланишган. Кейинчалик шу ерда Хивак деб номланган қишлоқ пайдо бўлади. Йиллар ўтиб, шу қишлоқ заминида ҳозирги Хива шаҳри қад ростлаган дейишади. Хива сўзининг Хейконик канали сўзи асосида пайдо бўлганини тасдиқловчи тарихий манбалар ҳам кўп. Бу ҳақда Абдулғозихон "Шажараи турк" асарида сўз юритган. XIX асрдаги тарихий солномаларда ҳам Хейконик канали Хейваник номи билан тилга олинган.

Бугунги кунда Хива маҳобатли меъморий ёдгорликлари,осори-атиқалари, замонавий муҳташам иншоотлари билан жаҳонни лол қолдираётган мўъжизакор маскандир.

— Кейинги йилларда воҳада, хусусан, Хивада ҳам кенг кўламдаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилаяпти.

— Албатта, истиқлолнинг илк йиллариданоқ, ҳар куни савоб ишга қўл уриш, қуриш, яратиш, бунёдкорлик ҳаётимиз мазмунига айланди. Нафақат Хива шаҳрида, балки туманимизнинг ҳар бир гўшасида бунёдкорлик ишлари кун сайин авж олмоқда. Айниқса, Юртбошимиз 2007 йилнинг охирларида Хоразмга келганида бунёдкорлик кўламини янада кенгайтириш юзасидан кўпгина фикрларни илгари суриб, улкан вазифаларни кун тартибига қўйган эди. Шундан кейин бу соҳадаги ишлар янада жонланиб кетди. Кейинги даврда узунлиги қарийб 20 километр бўлган Хива — Янгиариқ сув қувури бунёд этилмоқда. Бу Жаҳон банки томонидан "Тоза сув, санитария ва аҳоли саломатлиги" лойиҳаси асосида амалга оширилаяпти. Бу лойиҳа ярим миллион кишидан ортиқ аҳоли, жумладан, Урганч ва Хива шаҳарлари халқи истеъмол қилаётган сувнинг сифатини янада яхшилашга хизмат қилади. Бундан ташқари, Урганч ва Хива шаҳарларидаги канализация тармоқлари ҳам қайта таъмирланмоқда. Бунинг учун етарли маблағ ажратилган. Суғориш тармоқларини янада кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам ўз самарасини бераяпти.

— Хива шаҳри очиқ осмон остидаги музей бўлгани боис бу ерга келаётган сайёҳлар оқими ҳам йил сайин кўпайиб бораяпти. Туризм соҳасини ривожлантириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Дарҳақиқат, ЮНЕСКО қарорига асосан 1997 йилнинг октябрь ойида Хива шаҳрининг 2500 йиллиги катта тантаналар билан ўтказилгандан кейин бутун дунёнинг Хивага бўлган қизиқиши янада кучайди, десак муболаға бўлмайди. Бу эса ўз навбатида туризмни янада тараққий эттиришга замин яратмоқда. Айниқса, Хивада амалга оширилган ишлар кўлами жуда катта. Масалан, сайёҳларни кутиб олиш учун ўндан кўпроқ жаҳон андозаларига жавоб берадиган меҳмонхоналар ишлаб турибди. Шаҳардаги туризм бизнесини ривожлантириш маркази юртимизга келаётган сайёҳларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Кейинги уч йил мобайнида вилоятимизга, хусусан, Хивага тўғридан-тўғри рейслар билан Италия, Япония, Австрия каби давлатлардан кўплаб сайёҳлар келишаяпти. "Қорақум" ва "Десерттур" хусусий фирмалари Хива шаҳри атрофида жойлашган саҳро ва кўлларга, қадимий обидаларга сайёҳатлар ташкил этишаяпти. Шунингдек, экологик туризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинган жорий йилда яна қандай ишлар қилиш режалаштирилган?

— "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини бажариш юзасидан кўпгина хайрли ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, ана шу мақсадда 15 миллиард 450 миллион сўм сарф қилиш режалаштирилган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида дастурнинг асосий бандлари бажарилди. Масалан, ҳомийлар ҳисобидан битта мактабгача таълим муассасаси замонавий талаблар асосида таъмирланиб, жиҳозланди. 9 та қишлоқ мактабида таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. 4 та қишлоқда телефон станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қатор қишлоқларда ўнга яқин дўкон, умумий овқатланиш шохобчаси, маиший хизмат кўрсатиш уйлари иш бошлади. Хусусан, Гандимиён қишлоғида дераза, эшик ва ойна ромлари тайёрлашга мўлжалланган корхона ташкил этилди. Саёт қишлоғи марказида маҳалла гузарини бунёд этиш учун қурилиш ишлари бошлаб юборилди. У ерда янги ҳаммом қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқда яшайдиган 143 нафар кам таъминланган оилага ҳомийлар ҳисобидан бепул қорамол берилди. Еттита кам таъминланган оила фарзандларининг ўқиши учун 7 миллион сўм шартнома пуллари тўлаб берилди, "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида туман туғуруқ мажмуаси 20 миллион сўмликдан зиёд тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Дастур асосида умуман 1300 дан кўпроқ иш ўрни яратилди.

— Хива азалдан алломалар, авлиёлар, шоирлар юрти ҳам бўлиб келган. Шу маънода бу қадим шаҳарни бемалол жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири, десак янглишмаймиз. Аждодлар қолдирган бой маданий меросни авайлаб-асраш борасидаги ишлар хусусида ҳам тўхталсангиз?

— Аждодларимиз бизга мерос қилиб қолдирган қадимий ёдгорликлар – бебаҳо бойликни кўз қорачиғидай асраш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Шаҳардаги барча маданий ёдгорликлар давлат тасарруфига олинган. ЮНЕСКО уларни авайлаб-асраш бўйича ғамхўрлик кўрсатаяпти. Қадимий Хиванинг мўъжизаси бўлган нодир ёдгорликлар — мадрасалар, масжидлар, уларга ишланган нақшинкор безакларни авайлаб-асраш билан бирга уларни таъмирлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Шарқнинг буюк олим ва мутафаккирлари Муҳаммад ал Хоразмий, Мунис Хоразмий, Паҳлавон Маҳмуд ва бошқа кўплаб халқимизнинг таниқли фарзандлари абадий қўним топган қадамжолар қайтадан таъмирланиб, муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилмоқда.

Ёшларнинг аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни қадрлаш, авайлаб-асрашлари тўғрисида ҳам қайғураяпмиз. Бу борада барча мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда доимий иш олиб борилаяпти. Маъмун академияси олимларининг қилаётган ишларининг миқёси ҳам жуда катта. Ёшларнинг замонга мос касб-ҳунарларни эгаллаши ва келажакда етук мутахассис бўлиб етишиши учун пухта ўйланган ишлар режа асосида амалга оширилаяпти. Ўтган йилдан бошлаб, касб-ҳунар коллежларининг ихтисослик йўналишларини қайта кўриб чиқдик. Уларга ўзгартиришлар киритилди. Бугунги меҳнат бозорига зарур бўлган 10 та йўналиш бўйича таклифлар киритдик. Ҳозир янги мутахассислар тайёрлаш бўйича ҳам ишлар амалга оширилмоқда. Келгусида билимли, етук кадр бўлиб етишадиган ёшларгина аждодлар бой маданий меросини авайлаб-асраб, кейинги авлодларга етказа олади.

Бир сўз билан айтганда, бугунги Хива ҳам ижтимоий, ҳам маданий-маърифий соҳаларда янада чирой очиб бормоқда. Унинг сайқал топаётган асрий обидалари, маданий ёдгорликлари жаҳонни такрор ва такрор лол қолдираётир. Президентимиз таъбири билан айтганда "Хива гўзал диёримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлигининг тимсоли, маданий ва маънавий анъаналаримизнинг абадийлигини ўзида мужассам этган бир мўъжизадир".

Тузалбой РАҲИМБОЕВ суҳбатлашди. ®









Суратларда: *Хива шаҳрида кейинги йилларда бунёд этилган иншоотлар.*

Муаллиф олган суратлар.

ЭҲТИРОМ

ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Инсонга зийнат бағишлайдиган энг гўзал фазилатлардан бири самимиятдир. Самимий ва зиёли инсонлар ҳеч қачон эл-юртнинг ҳурмат-эътиборидан четда қолмайди. Тарих фанлари доктори, профессор Ғайбулла Темиров бутун умрини педагогик касбга бағишлаган, қалби самимият ила йўғрилган устоз мураббийлардан биридир.

Навоий вилоятининг Нурота туманига қарашли Юқори Жўш қишлоғида оддий деҳқон оиласида таваллуд топган олимнинг бундай юксак обрў-эътиборга эришиши осон кечмаган, албатта. У ҳаётнинг гоҳ суронли, гоҳ изтиробли тўфонларини сабот билан енгиб, улкан мақсадлар сари дадил одимлади. 1960 йилда Самарқанд давлат университетига ўқишга кириб, тарих факультетини имтиёзли диплом билан тугатди. Дастлаб иш фаолиятини ўзи таҳсил олган 56-мактабда оддий ўқитувчиликдан бошлади. Илмга чанқоқлик ёш педагогни Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институтига етаклади.

Маълумки, илм-фан инсондан ҳавас ва иштиёқ билан бирга илмий шижоат ва фидойиликни ҳам талаб қилади. Устоз Ғайбулла Темировнинг аспирантлик пайтида олиб борган номзодлик диссертацияси ҳам осонликча рўёбга чиқмади. Танлаган мавзуси кўпчиликни баҳс-мунозарага чорлаган бўлса, кейинчалик олимга шон-шуҳрат келтирди. Илмий тадқиқотлари жараёнида чорвачиликнинг ривожланиши йўлидаги муаммоларга ечим топишга ёрдам берди. Унинг қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган чорвачилик тарихи бўйича бир қатор монографиялари соҳа муаммоларини ёритишга қўшилган муносиб улуш бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Етук олим узоқ йиллар Самарқанд давлат университетида доцент, кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатди. Энг аввало, илми, одамийлик фазилатлари билан ўқитувчилар ва талабаларнинг ҳурматини қозонди. Устоз 2000 йилдан бошлаб Навоий давлат педагогика институтига ишга таклиф этилиб, ҳозирга қадар бу ерда талабаларга сабоқ бериб келмоқда. У киши ўз фаолияти давомида кўплаб илмий ходимлар, педагоглар етиштирди. Улар бугун республикамизнинг турли воҳаларида хизмат қилмоқда.

Сирож ҒИЁСОВ,
Зафаржон ҲАЙИТОВ,
Навоий давлат педагогика институти доцентлари.

МАЪНАВИЯТ

Очиғини айтиш керак, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш юзасидан бўлиб ўтган йиғилишда мамлакатимиз Президенти томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар юртимиздаги барча ижод аҳлини қувонтирди, масъулият ҳиссини оширди.

Йиғилишда илгари сурилган вазифалар бўйича таҳририятимизга ҳам хатлар ва мулоҳазали битиклар келиб турибди. Биз қуйида улардан бирини ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола этяпмиз.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

Китоб обрў белгисими?

«Ижод майдони гўё кўпкарига ўхшайди. Улоқни қўлга киритиш учун чавандоздан катта маҳорат талаб қилинади. Назаримда, бугун шеърият майдонида чавандозлар кўпдек кўринади. Лекин яхши чавандозлар кам», дерди адабиёт фанидан дарс берувчи домламиз ҳар икки гапининг бирида.

Яқинда қўлимга бир 8-синф ўқувчисининг шеърий китобчаси тушиб қолди. Унга кўз югуртирар эканман, саёз сатрларни ўқиб қалбим оғриди. Беихтиёр ўша устозимнинг гапини эсладим. У айтганидек, бир-иккита сўз қофиялаштирилса шеър юзага келмайди. Минг афсуски, айрим ота-оналар маънавий эҳтиёжимиздан келиб чиқиб эмас, балки обрў ортидан қувиб, фарзандининг ҳали пишиб етилмаган шеърий машқларини китобча шаклида чоп эттиришга бош-қош бўлишаяпти. Албатта, китоб чиқариш ҳар кимнинг ихтиёри. Бунга қонунларимиз монелик қилмайди. Лекин ўша чоп этилган китоблар қайсидир бурчакларда чанг босиб, қолиб кетади. Энг ёмони — боланинг фикри саёз бўлиб қолишига бундай китоблар ҳам "ҳисса" қўшаяпти. Илгарилари китоб нашрдан чиққунига қадар эҳ-ҳе, анча-мунча босқичлар бўлган.

Энди-чи? Бежирим қилиб, бир неча юз нусхада босилган китобчаларни варақлар экансиз, ундаги мазмун, имло хатоларни кўриб, дилингиз оғрийди. Китобнинг охирида ўша машҳур нашриётнинг номи, масъул муҳаррирнинг исм-шарифи ёзиб қўйилган. Гоҳида "Бу масъул шахслар имзо қўйишдан олдин ушбу "китоб"ларни ўқиб чиққанмиканлар?" деган фикр ҳам ўтади хаёлимиздан. "Нашриёт учун пул, ота-онага обрў, болага китоб керак", дея куюнади таҳририят ходимларидан бири. Унинг сўзларида жон бор. Эътибор берган бўлсангиз, ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказилаётган айрим кўрик-танловларда ҳам кўпинча ҳакамлар ёшларнинг бундай саёз "буюртма" китобларига юқори баҳо бериб юбормоқда. Қайсидир китоблар эса мукофотга ҳам даъвогарлик қилаяпти. Очиғи, Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун бўлиб ўтаётган танловларнинг туман босқичларини кузатганимизда, мана шундай ҳолатларга ҳам дуч келдик. Агар Зулфия опанинг ўзи ҳаёт бўлганида шундай саёз шеърларни ўқиб, ҳайрон қолмасмиди?

Олий ўқув юртига ўқишга киргач, адабиётни қанчалик даражада билишимни тушуниб етдим. Биз мактабларда адабиёт борасида фақат дарсликлар билан чекланиб қолар эканмиз. Ваҳоланки, ўзбек классикаси, жаҳон адабиёти билан кенгроқ танишиб борганимиз сари дунёқарашимизнинг ўсишини кузатдим. Шундай экан, биз мактабдаёқ адабиёт соҳасига иқтидори бор ёшларни мана шу сеҳрли дунё билан ошно қилсак, ўйлайманки, бундай қадр-қиммати йўқ китоблар нашр этилмасди.

Хулкар ФАРМОН қизи

АКС-САДО

"ДИД ВА МЕЪЁР"

"Hurriyat", 2009 йил 3 июнь

Журналист Ҳаким Сатторийнинг кино санъатимизнинг бугунги аҳволи ҳақидаги таҳлилий мақоласини қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Рости, дунёнинг саккизинчи мўъжизаси сифатида эътироф этилаётган кино санъати маънавий ҳаётимиздан жиддий ўрин эгаллаган. Замондошларимиз бебаҳо умрининг жуда кўп қисмини экран қаршисида ўтказадилар. Фильмлар фақат кўнгилхушлик ёки вақтни "ўлдириш" воситаси эмас, балки катта мафкуравий қудратга эга қуролдир. Ҳозирги глобаллашув шароитида муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, дунёнинг тақдири ядро полигонларида эмас, мафкура полигонларида ҳал бўлмоқда. Шундай экан, миллий экранимизда намойиш қилинаётган ҳар қандай асар ҳеч кимни бепарво қолдирмаслиги керак. Шу маънода "Дид ва меъёр" мақоласининг жуда долзарб эканини таъкидлаш ўринли.

Давлатимиз ва ҳукуматимиз соҳа ривожига етарлича ғамхўрлик кўрсатаётган экан, бу мўътабар санъат турининг обрўси учун курашиш, унинг кимларнингдир бачкана майллари қурбони бўлишига йўл қўймаслик ватанпарварлик бурчимиздир. Бебаҳо бойлигимиз — миллий қадриятларимиз талқинида қусурлар учрайди. Биз энди юксак ахлоқий қадриятларга қайтилаётган пайтда тартибларимизни "ислоҳ" қилишга киришаётган бўлсак, бундай муносабат тараққиётдан орқада қолганликнинг аломатидир. Ҳаётда учраши кам бўлган тақчил воқеаларга урғу бериб, уларни типиклаштириш, ҳатто бир халқнинг феъл-атвори даражасида талқин қилиш кино санъатидаги, умуман, санъатдаги зўровонликдан бошқа нарса эмас. Ана шундай талабларни четлаб ўтиш (меъёрсизлик), дидсизлик бошқа "-сизлик"ларни ҳам бошлаб келиши мумкин: ғоясизлик, эътиқодсизлик, ахлоқсизлик... Шунинг учун санъат арбоблари ҳар доим бундай кўринишларга қарши курашиб келганлар.

Маҳфуза ЙЎЛДОШЕВА, педагог.

* * *

Мақолани ўқиб чиққач, бугунги киномизнинг оғриқли нуқталари яна бир-бир кўз олдимдан ўтди.

Киномизнинг келажаги фақат миллийликда эканини кечаги кунлар ҳақиқати таъкидлаб турибди. Баъзи фильмларда шундай лавҳалар кўрсатиладики, уларни кўриб ҳафсаланг пир бўлади: шаҳарлик келин қайнотасини биринчи марта кўриб турибди, бироқ у шундай муомала қиладики, бетга чопарлиги-ю, ҳаёсизлигидан ёқа ушлайсан. ("Кичкина одамлар"). Наҳотки "Кумушнинг бугунги тенгдошлари" шу даражага етган бўлса?

Баъзан шундай бўладики, асарда барча компонентлар жойида: сценарий пухта ёзилган, режиссёр талқини ҳам тўкис, ижрочилар бор маҳоратларини ишга солганлар, ҳатто мусиқа ҳам дилтортар, бироқ барибир "нимадир" етишмайди, фильм кутилган даражага чиқа олмайди. Шунда ўша "нимадир" ҳақида мулоҳаза қилиб қоламиз, уни қаердан топса бўлади? Балки у кўплаб ўринларда сақланмаган меъёрдир, ҳаёт лавҳаларини акс эттирганда умумий мукаммалликнинг таъминланмаганидир. Олайлик, дарвозадан кириб келаётган киши ҳовлидаги одамни кўрмасдан "ҳалиям ётибсанми?" дейди (чунки сценарийда шундай ёзилган, ижрочи уни айтиб, тезроқ "қутулиб" олиши керак). Атроф қоп-қоронғи, лекин фильм қаҳрамони "Юзинг қизариб кетди-я" деяверади (зулматда юзнинг қизарганини қандай кўргани фақат режиссёрга аён). Сукут сақлаш керак бўлган ўринда тинмай жавраш...

Ана шундай кўзга кўринмас мантиқсизликлар асар таъсирчанлигини йўққа чиқармасмикан?

Фарида ТОЖИБОЕВА, радиожурналист.

* * *

Кино — ўзига хос жонли кўзгу. Унда инсонларнинг руҳий кечинмалари-ю ҳаёт ташвишлари акс эттирилади. Бироқ беш бармоқ баравар бўлмаганидек, ҳозирда яратилаётган кино асарларнинг сюжети ҳам айни ҳаётий воқеаларнинг ўзгинаси эмас, аксинча, аксарият киноларда ясама образлар, яъни томошабинни сеҳрлаш ёхуд ишонтириш мақсадида ўша жараённи бўрттириб кўрсатиш ҳоллари ҳам учраб қолаяпти.

Аввалари бармоқ билан санайдиган даражада оз ва соз фильм яратилган. Муҳими, уларнинг барчаси халқчил, сифати томошабин дидига мос келади. "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён", "Шум бола", "Темир хотин", "Келинлар қўзғолони", "Маҳаллада дув-дув гап", "Тошкент — нон шаҳри" каби кинофильмлар ҳар томонлама пишиқ ва томошабинни ўзига сеҳрлайдиган даражада қизиқарли ишланган. Миллий урф- одатларимиз ва халқимизнинг ўзига хослигини тараннум этган фильмларни томошабин қайта-қайта кўрса ҳам таъби хира бўлмайди. Баъзи фильмларнинг умри қисқалигига сабаб тасвирда меъёрни четлаб ўтиши ва ўзбекона анъаналаримизга зид келишидадир. Мисол тариқасида "Ичкуёв" фильмини олайлик. Фильм аввалида уйга хизматкор сифатида олиб келинган йигитчани роса камситишиб, сўнг кўп ўтмай ўша хонадонга ичкуёв қилиб олишади. Ёки "Улфатлар", "Кўзларинг маъюс", "Зухра қаерда", "Ошиқлар" каби чучмал (минг узр), савияси ҳаминқадар "фильмлар" яратилмоқдаки, зукко томошабиннинг бир марта кўришга ҳам бардоши етмайди.

Албатта, ушбу фикрлар орқали бугунги кун ўзбек киночилик санъатининг ўсиш савияси паст ҳам дея олмаймиз. Негаки, сўнгги пайтларда "Чавандоз", "Ўтов", "Сув ёқалаб" каби қизиқарли ва савияси юқори фильмлар ҳам яратилаяпти.

Дилафрўз ТЎРАКУЛОВА

БАДИА

СОҒИНЧ

Энамнинг айтиб беришига қараганда қишлоғимиз паст-баланд тоғлар орасида жойлашган экан. Ихчамгина аҳолиси бор бу қишлоқда бир-икки уруғ вакиллари истиқомат қилган. Ҳаёт тарзлари асосан чорвачилик бўлган. Эчки қатиғидан доривор қурутлар тайёрлар, сигир сутини қувида қаймоғини ажратиб олар, туя жунларидан эркаклар учун чакмон, туя сутидан қимрон, от сутидан қимиз, туя ва эчки, қўй жунларидан кигиз тўқиб, ҳафтада ёки ойда тоғ ошиб қўшни қишлоқларга уларни сотиб, умргузаронлик қилишар эканлар. Баъзилар эски қўқон аравларида юкларни манзилларига элтишса, яна кимлардир отга ортиб, эшакларга хуржунлаб ёки яёв елкаларида юк ташиб яъни ҳаммоллик қилиб тирикчилик қилишаркан. Егулик нонни ўзлари лалми пайкалларда ўстирган буғдойларини қишлоқдаги ягона тош тегирмонда туйишар, шоли экканлар ғалласини ўша тегирмонда оқлар, мойларини хумларга солиб ерга кўмишар, гўштларини овқат қилинадиган жойда, иморат шифтига тол ёки терак дарахтидан қилинган дорларга сертузлаб осиб, қуритиб олишар, кузда ҳосилнинг мўллигига қараб офтоб нурида қуритиб олган олма, қовун, беҳи, узум, шафтоли, ўрик ва ҳокозо мева қоқилар дастурхонни доим безаб келган. Жуда баҳаво жойлар бўлган. Кунларнинг бирида сув тошқини бўлиб, жала, дўл ёғиб қишлоқни босибди. Ҳамма қочиб тоғ тепасига чиқибди. Улгурганлар у-бу нарсаларини олишга муваффақ бўлишибди. Кўпчилик мол-ҳолсиз, бор нарсасидан мосуво қолишди, деган эди энам. Биз эса бобонг билан битта чакмон ва кичкина қўзичоқ билан қолганмиз.

Қишлоғимиз аҳли тоғнинг бу томонига ўтишган. Ким йиғлаган, ким болаларининг қорнини тўйғазиш учун ҳаммадан егулик сўраган ва яна кимлардир олиб келган нарсаларини жойлаштириш тараддудида эди. Яккамдуккам хўжаликлар қаддини ростлай бошлади. Кимдир ўтин ва хашаклардан чайла, яна биров лойдан пахсалаб девор кўтариб олган, яна кимдир тоғдан думалаган йирик тошларни териб улардан иморат қура бошлашди. 15-20 чоғли одамлар йиғилиб бизнинг қўрғонимизга келди. Ўшанда Холмирзо бобонг қишлоғимизни ўраб олишимиз керак, биродарлар, бўлмаса, янги жойда қишдан омон чиқишимиз даргумон. Бўриларга нафақат мол-қўйларимиз, ўзимиз ҳам ем бўламиз, деганди. Шу гаплар боисми ёки мен билмаган яна бошқа сабаблар туфайлими, ўша-ўша қишлоқ номи Фармонқўрғон бўлиб қолди, деганди энам.

— Эна, нега сизни Ёдгор бахши дейишади? — деб саволга тутардим онаизоримни, айтиб берган ҳикоялари маъкул келиб.

— Чилдирма чалиб одамларни даволайман. Халқ оғзаки ижодларидан қуйлайман. Мени эшитганлар олдимдан кетолмай қолишади. Менимча, достонлару эртакларни яхши айтсам керакда, — деб мийиғида кулиб қўярди энам.

Энамнинг ҳақиқатан ҳам уста бахши эканлигига ўзим кўп бор гувоҳ бўлганман. Шу боис, йиллар ўтган сайин унинг айтиб берган эртакларини соғинаман. Қишлоғимга борсам, Ёдгор бахшини кўргандай таскин оламан. Тошкентдан ҳар сафар Фармонқўрғонга йўлим тушса, кўзимга ёшлигимда кўрган бир-биридан фариштали кампирлар кўринади. Фармонқўрғон йўлларида камтарлик билан бош эгиб келаётган ёки кетаётган қари отахонлар кўринади. Юрагим гумуриб-гумуриб кетади. Томларига шифер қоқилмаган, оддийгина сомонсувоқ қилинган уй томларини соғинаман. Пастаккина уйлар худди ўша мункиллаб қолган қарияларга ўхшаб кетади. Томларда эса қуёш шуъласида лойидан очилиб қолган сариқ сомонлар олтиндай чақнайди. Лолақизғалдоқларнинг қип-қизил бўлиб туриши эса уй томларига ўзгача ҳусн касб этиб, гўё фармонқўрғонлик кампирлар бошларида лола гулли тоғора кўтариб кетишаётгандек кўринади. Йўл-йўлакай салқингинада юмушларимни бажара қолай, деган олийҳиммат қишлоқ деҳқонларини кўраман.

— Ҳорманг!

— Саломат бўлинг, меҳмон, — дейди ўша амаки.

Сал туриб кетмонини елкасига олади.

— Кимникига бораяпсиз меҳмон? Хуш келибсиз. — дейди синчиклаб қараркан.

— Мирзаали аканикига, амаки, — дейман мен ҳам ўзимни танитмай.

— Ие,ие Боиржон сенмисан, болам? Ўзингмисан? — дея мен томон илдамлайди амаки.

— Омонмисан ишқилиб, укажон. Энди менга ўхшаган бир қишлоқлик деҳқонни эрмак қилиш эканда-а, ука?! Мирзаалининг ўғли Боирман, десанг бўлади-ку, — дея гиналанади ҳамқишлоғим.

— Ахир, ўзингиз нега мени меҳмон дейсиз унда?

— Ҳа, меҳмонсан-да, ука. Ойда, йилда бир келсанг. Ўзи аслида бу дунёда ҳаммамиз меҳмонмизда Боиржон. Э, қўй бу гапларни, ҳозир мен кетмонимни олай, бизникига борамиз. Холанг сени устингда ўлиб қолади. Телевизорда чиқиб қолсанг бас, нафас ҳам олдирмайди бизга. Телевизор тагига ётиб оладди, кўзини узмай сени томоша қилади. Ҳа, бўйларингдан холагинанг айлансин, деб йиғлаб-йиғлаб томоша қилади.

— Амакижон, албатта борарман. Аввал чол-кампирларни бир кўрай, кейин бир гап бўлар-а?

— Ҳай, майли, албатта, биринчи чолу кампирни кўришинг зарур. Лекин бизникига бормай Тошкентингга кетмайсан, айтиб қўяй бола, — дея мен билан хайр-хушлашади у.

Йиллар ўтади. Яна қишлоғимга бораман. Энди сочларимга оқ оралаган. Қишлоғимиз йўллари четига тут дарахти экилган. Пайкаллари пахтазор, бедазор, маккажўхоризор ва ҳоказолар билан тўла. Йўл четида кичкина болакайлар мол-ҳолларини кенг далаларга боқишга ҳайдаб кетишаяпти.

— Ассалому алайкум, Боир тоға, — дейди илдамроқ болакай.

— Ие, сўрашмайсанми, ҳей анқов, — дейди сал орқароқда сигирини ҳайдаб келаётган яна бир болага. Уялиб турган ўша бола югургилаб олдимга келади.

— Амаки, сиз ростан ҳам бизни қишлоғимизданмисиз?, — дея сўрайди.

— Ҳа, ростданам сенинг шу қишлоғингданман, болам, — дейман унинг бошини силаб.

— Унда айтинг-чи бизнинг қишлоқнинг номи нима?

Бироз кулиб болакайга термилиб қоламан. Кўнглимда қандайдир сирли туйғу исён қиладди. Ғалаён десаммикин, йиғи десаммикин, фахр десаммикин, ишқилиб ўзимни ғалати ҳис қиламан. Кўкрагимни тўлдириб хўрсинаман.

— Ана, кўрдингизми? Сиз бу қишлоқдан эмассиз. Қишлоғимиз номини ҳам айта олмаяпсиз, — дея хаёлимни бузади болакай.

— Қишлоғимизнинг номи Фармон... — гапимни тугатмасимдан болакай осмонга ирғишлай кетади.

— Ур-е, Боир тоғам фармонқўрғонлик экан! Бизнинг қишлоғимиздан экан. Ўзида йўқ хурсанд бўлган болакай олдимга бирдан жиддий қиёфада туриб:

— Боир тоға, мен шаҳарда учтўрттаси билан тортишиб қолувдим. Сизни опамнинг эри, поччам десам бўладими?

Бу гапдан ўзимни тутолмай қотиб куламан. На ҳа, на йўқ дейишни ҳам билмайман. Кула-кула яна йўлда давом этаман. Бироз юриб, кўчани тўлдириб келаётган аёлларга дуч келаман. Кимдир қоп кўтарган, яна кимдир икки қўлида бозор сумкаси билан, кимдир бошида нарса тўла тоғора, қўлида эса яна бир нарса...

— Ассалому алайкум, ҳамқишлоқлар.

— Ваалайкум ассалом. Ҳа, укажон, чол-кампирларни кўришга келаяпсанми? Улар ҳам дийдорингга тўйиб олишар экан-да, укажон, — дейди қишлоғимиз аёлларидан бири.

— Боиржон, кел бетингдан бир ўпиб олай, кейин тошкентлик машҳур артистни ўпиб олганман деб, кўрганларимга мақтаниб юраман, — дея шаддодроқ аёл икки юзимдан ўпади. Қолганлар кулишади. Орқада қоп кўтарган ёшроқ жувон луқма ташлайди:

— Нима, артист бўлса нима қипти? У ҳам бизга ўхшаган одам-да. Ҳа оғзингларнинг, таноби қочмай ўлсин-а. Боиржон, яхшимисиз? Ўртоғим яхшими? Оловиддин, Жамолиддин, Саҳобиддинлар яхшими? Моҳинур исмли дурдона қизингиз катта бўлиб қолгандир?, — дея сўраша кетган жувон кўзимга жуда иссиқ кўринади.

Аввалига танимасам-да, гапларининг оҳангидан синфдошим эканини билдим. Мактабда ўқиб юрган кезларимиз ошиқлари ўнтадан кам бўлмаган бу синфдошим рўзғор ташвишларидан-ми ёки мен билмаган бошқа воқеа-ҳодисаларданми анча ўзгариб кетибди. Юзларига ажин тушиб, қўллари эркакларнинг қўлига ўхшаб қўлимни омбурдай сиқади.

— Саломат бўлинглар, опалар, сингиллар. Йўл бўлсин? — дейман кўнглим алланечук бўлиб.

— Бозорга ака. Бола-чақага рўзғор қилиб келайлик, — дейишади улар.

Ака дейишига қараганда мендан ёш. Офтобдан қочиб, ҳордик олиш нималигини билмаган Фармонқўрғон аёлларига ачинаман, куяман. Нима дейишни, қандай муомала қилишни-да билмай қоламан.

— Э, қўй, бу рўзғор деганлари шу экан-да, гоҳида ҳуд, гоҳида беҳуд. Кел, яхшиси бизга шеър-пер ўқиб бер, — дейди ёши ўтганроқ аёл қопига ўтириб олиб. Ҳамма аёллар шу гапни кутгандай ўтириб олишади. Мен лолман, ҳайронман. Калламга ҳадеганда ёд билган шеър ҳам келавермайди. Лекин уларга бир-икки қатор шеър ўқигандек бўламан.

* * *

Ниҳоят, туғилиб ўсган уйимга етиб бораман. Хом лойсувоқ устидан оқланган деворлари кўзимга оқ рўмолни бошига ташлаб олган Ёдгор бахши — энамга ўхшаб кўринади. Талпиниб ҳовлига кираман. Ўнта фарзандни ўстирган онам Сайдинисо ая экинлар орасида нимадир юмуш билан банд. Иккита неваси Севинч ва Бобур ҳовлида ўйнашаяпти.

— Эна, кичкина отам келдилар! — деб қичқиради энг кичкина, ўнинчи укам Камолиддиннинг катта қизи. Ўзи эса чопқиллаб олдимга келади. Ачомлашиб кўришади. Бобур эса менга термилганча жим қолади. Исмини мен қўйгандим, анамана дегунча чопқиллаб югурадиган бўлиб қолибди. У туғилганда мен Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театримизда Хуршид Давроннинг "Бобуршоҳ" мусиқали драмасида Бобур ролини ижро этган эдим. Дадамлар:

— Боиржон, шу чақалоққа сен исм қўйгин, — деганларида шу табаррук номни қўйган эдим. Илоҳим шердай ботир бўлсин деб ният қилгандим. Онам менга, мен онамга интилиб, кўришамиз. Аввалига йиғлаб-йиғлаб сўрашган онам сал дийдоримга тўйиб, ҳовурларидан тушиб ҳол-аҳвол сўрайдилар. Ўтқизишга жой тополмай атрофимда парвона онам бор-будларини олдимга ёзилган дастурхонга тўшлайди.

— Ол, болам. Ҳа менинг артистгина ўғлим-а. Соғиниб кетдим-ку сени. Ҳадеб келавермаганингдан кечалари йиғлаб-йиғлаб оламан. Ҳа кўнгилгинаси тош болама, деб йиғлайман. Ана бу Бобур неварамни қучоқлаб олиб йиғлайман. У ҳам "Эна нимага ҳадеб йиғлайверасиз. Ана Севинчингизни қучоқлаб йиғланг", дейди қурмағур дудуқланиб. Ҳа, ке, гап халталарим ҳам сўкилиб кетди. Ўзинг яхшигина юрибсанми? Хотининг, болаларинг эсон-омонми?

Онам тинмай сўрайдилар. Мен уларга термилганча ўтираман. Дастурхондан у-бу нарса егандай бўламан. Кичкинагина жуссалари, хиёл кенгроқ кўйлаклари, устиларидаги камзуллари ва камзул ёқасига наъматакдан мунчоқ қилиб тақиб олганлари онамни янада хокисор қилиб кўрсатади. Парқини боши ўртасидан олиб иккита қилиб ўриб олган сочи ҳали ҳам тақимларини ўпади. Фақат сийраккина қошига ўсма қўйилган, ҳозир эса у ҳам йўқ, қўйилмаган. Кўй кўзларига киприклари эгилиб, гўё уларни яшираётгандай бўлади. Ихчамгина бурнининг чап томонида қора холи бор. Аниқроғи лабларига яқин холи ҳар замонда қонаб онамнинг ғашини келтиради. Олтита тушган тишлари ўрнини қўли билан яширади. Бўйни офтобдан қорайиб қолган, терилган мунчоқлари янада теранроқ кўринади. Қадоқ-қадоқ қўлларини юзига тортар экан кўз ёшларини менга билдирмай артиб қўяди. Уйда томорқамизда етиштирилган тегирмонланган унимиздан қорагина нон чиқади. Нонни ушатади. Бурдаларини олдимга терар экан:

— Боиржон, нонимиз қора-да, кўнглингга олмайсан. Тошкентнинг оппоқ нонларидан эмас, болам, — дея хижолат бўлади онаизорим.

— Онажоним, мен мана шу қора нонингизни соғиниб келдим. Ўз қўлларингиз билан ёпган кулчаларни соғиндим. Сизни соғиндим она, сизни, — дейман онажонимнинг ғадир-будур қўлларини ушлаб. Юрагимдаги ўзим тушуниб-тушунмайдиган, дилимни тўлқинлантирадиган, кўнглимни алланечук туйғулар ила бузадиган туйғуларимни аранг тишимнинг орасига оламан. Тишларим орасидан сиргалиб чиққанларини лабим ичида сақлайман. У қурмағур ҳам жим турмай кўзларимдан чиқмоқчи бўлади. Кўзларимни онам нигоҳидан олиб қочаман. Бутунлай бошқа мавзуларда ҳазил қиламан. Ҳазилларим ҳам қовушмайди. Тўмтоқ-тўмтоқ жумлалар чиқиб кетади оғзимдан. Онамнинг тиззасига бош қўяман.

— Онажон ҳидларингизга бир тўйиб олай, — дейман ўзимни тутолмай.

— Майли, болажоним, бошингни кўй, ором ол. Чарчагансан йўл юриб, дам ол. Онам билан сўзлар воситасида эмас, дийдорлашиб гаплашамиз. Узоқ гаплашамиз, хўп гаплашамиз. Гапларимизнинг адоғи бўлмайди...

* * *

Одатимни биламан, агар 3-4 кун Фармонқўрғонда, онам бағрида, отам Мирзаали қучоғида, опа-сингиллар-у, укаларим ёнида бўлсам бас, кейин Тошкентга қайтиб кетолмай қоламан. Кетган тақдиримда ҳам хаёлимдан улар кетмайди. Қўлим, кўнглим ишга қайишмайди. Ҳа, Фармонқўрғоннинг ана шундай оҳанрабоси бор, дейман ўзимга-ўзим. Она тупроқ деб, киндик қон тўкилган маскан деб, шунга айтсалар керакда. Она меҳри тошни ёради, деган туйғу шу бўлса керакда. Ота уйи — қўрғон, унга ҳар доим, ҳар қачон талпинасан, деган нақл бежиз айтилмаган экан-да.

Боир ХОЛМИРЗАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

МАДАНИЯТ

Газетамизнинг жорий йил 10 июнь сонида журналист Элбек Жумановнинг "Ўткан кунларда"да ўтган кунларим" номли бадиаси эълон қилинганди. Мазкур бадиага юртимизнинг турли ҳудудларида яшовчи муштарийлардан кўплаб мактублар келмоқда. Уларда турфа фикр-мулоҳазалар билдириляпти. Яқинда Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида яшовчи журналист Ҳуррият Жалиловадан ҳам ана шу мавзуда битилган хат олдик.

Албатта, "Ўткан кунлар"дек бетакрор китоб юзасидан мушоҳада юритишнинг, баҳсга киришишнинг ўзи осон эмас. Адабиётимизнинг энг нодир асари, қолаверса, нафақат ўзбек насрининг, балки дунё романчилигининг юксак намуналаридан бири деб тан олинган ушбу асар ҳар бир қалбни тўлқинлантириши, ҳаяжонга солиши табиий.

Қуйидаги хатни Сиз — муштарийларимиз ҳукмига ҳавола этишдан мақсад эса, унинг самимий тарзда ёзилганидан ташқари, ўринли мулоҳазалар ила битилганлиги ҳам эътиборингизни тортади деган умиддамиз.

ХАТ

«ЎТКАН КУНЛАР»

ЗЕРИКМАСЛИК УЧУН ЎҚИЛМАЙДИ

Муҳтарам иним Элбек Жуманов! «HURRIYAT» газетасининг 2009 йил 10 июнь сонидаги «Ўткан кунлар»да ўтган кунларим» сарлавҳали бадиангизни мароқ билан ўқиб, сизга мактуб битгим келди.

Аввало «Ўткан кунлар»дай шоҳ асар ҳақида фикр билдирмоқ, таҳлил этмоқ учун фикрий жасорат керак. Зотан атоқли сўз усталари, забардаст олимлар томонидан бу асар ўрганилган ва ҳозир ҳам ўрганилаётган бўлсада, бир китобхон ёки ёш ижодкор сифатида бундай асарни баҳоли қудрат таҳлил қилишга уринишингизнинг ўзи мақтовга арзигуликдир. Қолаверса, сиз бу асар боис замон ҳақида, бугунги ёшлар ва муҳаббат мавзуларида ҳам фикр-мулоҳазаларингизни билдиргансиз. Бадиангизнинг бошида эса «... Ёшлик ва тажрибасизлик боис ўринсиз жумлаларни ишлатган ёки ортиқча ҳис-ҳаяжонларга берилган бўлсам, бунинг учун маъзур тутингиз», деб ўзбекона луфт билдирибсиз. Шунинг учун ҳам сизга катта раҳмат.

Аммо бадиангиздаги айрим фикрларингиз мени мулоҳазага ундади. Жумладан, «Йўлдаги хаёллар» деган қисмида шундай ёзаяпсиз: «Мана, ниҳоят бугун ишхонадан қишлоққа бориб келишим учун рухсат беришди. Қашқадарёга қатновчи транспортлар турадиган бекатга бориб автобусга ўтирдим... Сумкамдан «Ўткан кунлар»ни олдим. Олдинлари нима учун мутолаа қилганимни билмайман, аммо ҳозир шунчаки зерикмаслик учун ўқияпман...». Қизиқ гап. Иним, «Ўткан кунлар» шунчаки зерикмаслик учун ўқиладиган китоб эмас. Бадиангиздаги баҳсталаб ўринлардан бирида шундай ёзасиз: «Қандай қилиб фаришталарга менгзалган Кумуш бирдан инжиқ, рашкчи аёлга айланди?» ёки «Айтинг-чи, Кумушнинг Зайнабга етказган озорлари Ҳомиднинг Отабек устидан қилган хусуматларидан кам эдими?». Яна "Эътибор берган бўлсангиз, Зайнаб дастлаб ўзига ишлатилаётган камситилиш ва таҳқирлашларни қаттиқ олмайди, муштипар аёл буларнинг барига сабот билан чидайди". Ахир, китобда бундай воқеалар йўқ-ку!

Кейин сиз қандай сабаб билан Кумушни "рашкчи, инжиқ аёл" деяпсиз? Зайнабга етказган "озорлари"ни қаерда кўрдингиз? Ўзбек адабиётидаги бирор аёл қаҳрамон ўз яратувчиси томонидан бу қадар нафосат билан тасвирланмаган. Айтишларича, Леонардо Да Винчи «Жаконда»ни юрагининг қони билан чизган экан. Қодирий ҳам Кумушни кўнглидаги бор меҳр билан битган. Шу боис машҳур адиб шундай ёзади: «Ул Кумушдан итобомиз сўзлар, аччиқ хитоблар кутар: биринчи итобдаёқ ота-она гуноҳига тавба қилишга ҳозирланар эди. Аммо иш ул кутганча чиқмади. Кутилмаган жойда, гўёки уни бу оғир ҳолдан қутқармоқчи бўлгандек:

— Фузулий яхши китоб, — деди Кумуш, — мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда бу китобдан бошимни ололмас эдим, сизамми?

— ...

Отабек гарангсиб қолган, ўзини овутмоқчи бўлган бу олижаноб гўзалга нима дейишни билмас, қаердан сўз бошлашқа ҳайрон эди:

— Ким йиғлатди сизни?

— Йиғлаяпманми?

— Кўзингиз, кипригингиз...

— Ўзи шунақа...

— Йиғлатган мен эмасми?

— Китобни нега ёпдингиз? Очиб ўқинг, мен эшитай.

— Ота-она ризолигини бир томчи ёшингизга арзитдимми!

— Мен рози, мен кўндим, – деди дафъатан Кумуш, бу сўзни нимадандир қўрққандек шошиб айтди.

— Кўндингиз нега, а?

Отабек ҳайрат ва таажжуб ичида эди.

— Негаки, — деди Кумуш, — мен сизга ишонаман».

Мана шу бир оғиз «Мени унутмайсизми?» деган муниса сўз бу аёл қалбининг қанчалар тозалигидан далолат эмасми? У Отабекнинг иккинчи уйланиш воқеасини эшитгач, дод-фарёд қилмайди, балки бу зарбани ақл тарозисига солади, мардона қалб билан мунисгина бўлиб кутиб олади.

Ана энди айтинг-чи, бу аёлни инжиқ ёки рашкчи деб бўладими? Тошкентда, Юсуфбек ҳожи хонадонида тасвирланган эпизодларда эса Кумуш эмас, балки Зайнаб ўзининг писмиқлиги, ёлғон сўзлари, терс ҳаракатлари билан Кумушга озор беради.

Туркийшунос олим Холид Сайид Хўжаев 1928 йилда «Ўткан кунлар»ни озарбайжон тилига таржима қилар экан, сўз бошида шундай ёзади: «Ўзбек адабиёти тарихида ҳаётий ва тарихий роман ёзилиши билан ўзбек ижтимоий ҳаётида, ўзбек насрий адабиётида жонланиш орзуси туғилди. «Ўткан кунлар» ўзбек халқининг ўтмишини, хонлар давридаги жоҳилона сиёсатини, халқнинг у фожиали даврларда чеккан азоб-уқубатларини кўрсатган бир романдир. Асарда бир тарафдан ўзбек хотин-қизлари турмуши, уларнинг нозик табиатлари, севги-садоқатлари, ширин одатлари тасвирланган. Иккинчи тарафдан эса уларнинг оила ичидаги юриш-туришлари нафис бир тарзда кўрсатилган".

Бадиангизда шундай жумлалар бор: "Умуман асардан қандай хулосалар чиқариш керак? Унинг тарбиявий аҳамияти нимада? Бу саволларга жавоб тополмайман".

Демак сиз асарни яхши ўқимагансиз. Уни ростдан ҳам шунчаки зерикмаслик учун қўлга олгансиз. Элбек иним! Роман сиз айтганча, тўлалигича Зайнабга аталган ҳам эмас, у оқил оталар ва доно фарзандлар, оқилона удумларимиз ҳақидаги бебаҳо китоб ҳамдир. Абдулла Қодирийнинг айтишича, китобни бир марта эмас, беш марта ўқиш керак. Шунда сиз турмушни, тарихни, сиёсатни, одобни, тилни ўрганасиз. Шунда сиз излаган саволларингизга жавоб ҳам топа оласиз.

Ҳурмат билан,
Ҳуррият ЖАЛИЛОВА,
журналист.

Мақсуд ҚОРИЕВ

Ён дафтардаги ёзувлар

ТАФАККУР

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда)

32. Бир гапириб, ўн куладиган хушчақчақ одамларнинг ҳаммаси ҳам бирдек бахтли бўлавермайди.

33. Сиз учун ким яқин, эрингизми, ўз фарзандларингизми?

— Акам, — дебди аёл.

— Нечун?

— Чунки энди онам йўқ, акам туғилмайди.

34. Тарих — такрордан иборат.

35. Дилингдагини сўзла, аммо иззат-нафсимга тегма.

36. Бир онадан оқ сут эмган бегоналарни кўрдим...

37. Омадинг келмаса қармоққа илинган балиғинг ҳам чиқиб кетади.

38. Ўта камтарлик юксак ҳулқ туфайлигина эмас, балки ақлнинг норасолиги туфайли ҳам бўлиши мумкин.

39. Эр-хотин — севги, садоқат рамзи, аммо вақти келса, бир-бирига даҳшатли душман ҳам бўлиши мумкин.

40. Мен дунё кўрдим, қадимги оламнинг буюк кишилари ҳаёти билан танишдим, маслаҳатлашдим, аммо ўша оддийлигимча қолдим, она ернинг муқаддас ҳиди димоғимдан ҳеч кетмади.

41. Машҳур ёзувчининг ўчириб ташлаган варақлари (қораламаларини)ни ҳам ўқиган бўлардим...

42. Лавозиминг кўтарилган сари камтар бўл...

43. Суқрот Ҳаким дебдур:

— Ҳунардан афзалроқ, илмдан улуғроқ нарса йўқ. Шарму-ҳаёдан яхшироқ безак, зебу-зийнат йўқ, бадфеъликдан ёмонроқ душман йўқдур.

44. Кимки қабр бузса, марҳумларни ёмонласа, ўтганлар руҳини чирқиратса, бу ҳисоб-китобли дунёда, албатта жавобини олади. Оқибатда хору-зор бўлади. Элу юрт нафратига учрайди. Буни кўҳна тарих кўп бор исботлаган.

45. Ҳадеб Ватаним гўзал, кўркам, дунёда бунақаси йўқ, деб сўзлайверриш шарт эмас. Зеро, Ватанни севмоқ тилда эмас, дилда бўлади.

46. Аҳмоққа мақол айтсанг, ўзинг тушунтириб беришинг керак.

47. Жонзотлар ичра энг вафолиси итдир, билмайман, нега одамларни итсан деб ҳақорат қилишади.

48. Қуш осмонда из қолдирмайди. Балиқ сувда. Сахий одамларнинг йўли ҳам шундай бўлиши керак.

ХОТИРА – АЗИЗ

Яхшининг боғи

Кўпинча кимсасиз йўл ёқаларида, анҳор бўйларида, тоғ ён бағрида кўкка бўй чўзган дарахтларни кўрсак, буни ким эккан экан, дея ўйлаб қоламиз. Саратоннинг жазирамасида унинг соясида дам олганимиз боис, ўша саховатли инсоннинг ҳаққига дуо ўқиймиз. Аслида боғ яратиб, яхши ном қолдириш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманидаги Авлиё қишлоғида туғилиб, умргузоронлик қилган Рустам Содиқов ана шундай саховатпеша инсонлардан бири эди. Унинг айни навқирон — йигитлик даври иккинчи жаҳон уруши пайтига тўғри келди. Қишлоғига ногирон бўлиб қайтган эса-да, одамларга яхшилик қилишни канда қилмади. Қалбидаги тузалмас яраларни дарахт экиб тузатди, боғ яратиб табиатни обод қилди. Рустам ака ҳаётлигида фарзандларига дўсту биродарларига "Инсон фанога кетгач, она-ер бағрига киради. Боғбон эса ҳар йили баҳорда эккан дарахтлари билан гуллайди. Шунинг учун ортингиздан боғ қолдиринг. Ахир, бир туп ёнғоқ эккан минг йил яшайди, бир туп тут эккан минг йил дур теради", деган пурҳикмат сўзларини такрорлаб чарчамасди.

Дарҳақиқат, бугун Рустам ака экиб кетган дарахтлар соясида ўтириб, айтган сўзларининг мағзини чаққандек бўламиз. Бир пайтлар у кишига "Отахон, бу тақир ерларда дарахт ўсмайди. Ўзингизни ҳам бизни ҳам ташвишга қўйманг. Ундан кўра, ўзингизнинг соғлигингиз ҳақида қайғуринг", деганлар кўп бўлган. Аммо ул зот олдига боғ яратишдек улуғ мақсадни қўйгач, ортга чекинмади. Дарахт ўсмайдиган тақир ерларга қурғоқчиликка чидамли, табиатнинг синовларига дош бера оладиган ниҳолларни экди.

Ёдимда... 1969 йилда Ғаллаорол шаҳрини сув босганди. Бундан табиат анча зарар кўрди. Ўшанда илдизи билан қўпорилган дарахтларни кўриб, Рустам ака кўзига ёш олганини кўрганман. Сув тошқини тугагач, у киши атрофдагиларга қараб "Сув ювиб кетган шаҳримизни дарахт экиб обод этайлик. Кўчатларни мана мен топиб бераман. Ахир биздан авлодларга боғ қолса, келажакда юзимиз ёруғ бўлади", дея мурожаат этганди. Орадан уч-тўрт йил ўтгач, шаҳар яна ям-яшил дарахтлар билан безанди.

Шунинг учун ҳам Рустам аканинг дўсту биродарлари, яқинлари билан у кишининг эзгу фазилатлари ҳақида суҳбатлашсангиз "Рустам ака, маҳаллада юриб, одамларни кўча ҳовлисида дарахт экишга ундарди" деган гапларни эшитасиз.

Ҳа, Рустам ака Содиқов шундай жонкуяр инсон эди. У кишидан мерос қолган боғ-роғларни сайр қиларканмиз, хаёлимизда у эккан дарахтлари каби барҳаётдек туюлади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

СПОРТ

МУРАББИЙЛАР ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ

Осиё футбол конфедерацияси тартиб-интизом қўмитасининг қарорига кўра, Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси бош мураббийи Юрий Саркисян 1000 доллар миқдорида жарима тўлайди. Бунга фарғоналиклар устози жорий йилнинг 7 апрель куни ОФК кубоги баҳсларининг навбатдаги турида "Бусайинтин" клубига қарши учрашувдан кейин рақибларга нисбатан ҳурматсизлик қилгани сабаб бўлди. Шунингдек, "Ал Тилол" футбол жамоаси устози Ал Наш ҳам "Ал Аҳад" клубига қарши кечган учрашувдан сўнг матбуот анжуманида қатнашмагани боис 1000 доллар миқдорида жаримага тортилган.

ОСТОНАДА ЯНГИ СТАДИОН



Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида «Astana Arena» стадионининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳақда www.fanat.uz хабар тарқатди. 2006 йилда қурилиши бошланган ушбу ўйингоҳ 30 минг томошабинга мўлжалланган. «Astana Arena» стадионига 185 миллион доллар маблағ сарфланди. Лойиҳани Туркиянинг «Sembol Inshaat» қурилиш фирмаси амалга оширган. Мазкур ўйингоҳнинг ўзига хослиги шундаки, бу ерда баскетбол ва теннис мусобақаларини ҳам ўтказиш мумкин.

Стадионнинг очилиш маросимида Остонанинг «Локомотив» футбол жамоаси ва Қозоғистон ёшлар миллий терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Ўйинни италиялик машҳур ҳакам Пьер Луижи Коллина бошқариб борди. Ҳамюртимиз Максим Шацкихнинг янги жамоаси «Локомотив» сафида машҳур турк футболчилари Ҳоқон Шукур ва Ҳасан Шашлар ҳам иштирок этган бўлса, Қозоғистон ёшлар термаси жамоасида Андрей Шевченко ва Каха Каладзелар тўп суришди.

РЕКОРД ТАКРОРЛАНДИ

Швейцариялик машҳур спортчи Рожер Федерер «Уимблдон» теннис турнирида муваффақиятли қатнашиб, мусобақанинг ғолиби бўлди. У финалда америкалик Энди Роддик билан баҳс олиб бориб, — 7:5, 6:7 (6:8), 6:7 (5:7), 6:3 ҳисобида зафар қўлди. Ушбу муваффақият теннисчининг "Катта шлем" туркумига кирувчи турнирлардаги ўн бешинчи ғалабасидир. Шундай қилиб, Рожер Федерер афсонавий теннисчи Пит Сампраснинг қайд этган рекордни такрорлади.

Эслатиб ўтамиз, «Уимблдон» теннис турнирининг мукофот жамғармаси 12 миллион 550 минг фунт стерлингни ташкил қилади.

ЖИРКОВ ЛОНДОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Футбол бўйича Россия миллий термаси ва Москванинг ЦСКА жамоалари ярим ҳимоячиси Юрий Жирков Англиянинг "Челси" клубининг тиббий кўригидан ўтиш учун Лондонга жўнаб кетди. Агар шифокорлар футболчига ижобий ташхис қўйишса, у "Челси" жамоаси билан тўрт йиллик шартномани имзолаши мумкин. Йигирма беш ёшлик россиялик бу футболчининг трансфер баҳоси 20 млн. еврони ташкил этади.

МАЙКЛ ОУЭН «МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД»ДА

Ўтган дам олиш кунларида Англиянинг «Манчестер Юнайтед» футбол жамоаси кутилмаган трансферни амалга оширди. Яъни кейинги мавсумдан бошлаб ҳужумчи Майкл Оуэн манчестерликлар сафида тўп суради. Хабарингиз бор, ушбу футболчи ўтган мавсумда «Ньюкасл» жамоаси шарафини ҳимоя қилган эди. Лекин кетма-кет жароҳат олиши оқибатида ишлари яхши юришмаганди. Шунингдек, у Англия терма жамоаси тадбирларига ҳам чақирилмаганди.

Шартнома имзоланганидан сўнг, Майкл Оуэн журналистларга интервью берар экан, у янги жамоаси учун муваффақиятли ўйин кўрсатишга ҳаракат қилишини айтди.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

ТУЙҒУ

МОМО ЕР



Сен жондан азизсан, ҳар недан улуғ. Ҳар куни бошимиз узра Қуёшсан. Юраксан, сени деб ёнмаган дил йўқ. Ҳаётсан, ҳар нафас биз билан бирга. Она, сан бағрингдан узилиб бўлмас, отасан, сендан ҳеч кечиб бўлмайди. Сен билан йўлимиз, тақдиримиз бир, сўнгги манзилимиз, ғамимиз битта. Вафосиз эмассан, сенга дил берсак, кечсак ҳам кечмайсан биздан ҳеч қачон. Дўст-ёрлар унутар, бағрингга ҳар он ёмонинг бўлсак ҳам чорлайверасан.

Ҳар баҳор яшаш чун этасан савоб, ҳар кузда яқинлаб борамиз сенга. Тўкилсак, фақат сен олмайсан малол, йиқилсак, толмайсан суяшдан ҳеч ҳам. Оғринмай севасан ғамларимизни, ҳар лаҳза кечган хуш дамларимизни. Меҳринг ҳам беминнат офтобдек иссиқ, даргоҳинг Ҳақнинг карамидек кенг.

Мен сени танидим ўзимни топиб, ўзимдан чиқдиму сендан чиқолмай. Англадим, дунёнинг ўн тўрт кунлигин, жонимдан ўтганда омонатларим. Мен сени ранжитдим – ўзим оғриндим, сендан олис кетиб нимани топдим? Қанча баланд учсам, шунча йиқилдим, қанча хато қилсам, шунча юкиндим. Сездимки, сен билан жон-таним битта. Билдимки, Осмон ҳам сенчалик севмас.

Менга бешик бўлган эй, Момо ерим!

Адиба УМИРОВА

РАССОМ ХАНДАСИ



Изоҳга ҳожат йўқ...

Ҳусан СОДИҚОВ чизган сурат.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Ҳуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz
Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 **Тел-факс:** 233-36-02

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Навоий — 8-436-374-63-11
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.30

® — тижорат белгиси.

Адади: 11461 Буюртма — Г-654 12345678